



MILLIY TIKLANISH

32 (353) ● 2015 йил 12 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм вилоят кенгашида 309 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатади

Навоий вилоятидаги партия гуруҳлари томонидан фуқаролар мурожаати асосида 70 га яқин депутатлик сўрови амалга оширилди

Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳудуддаги ободонлаштириш ишлари юзасидан ёшлар фикрини ўрганди

МУСТАҚИЛЛИК

24
йил



Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Муносабат

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес

самарали ҳимоя қилинмоқда

Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини янада ошириш, бу борада давлат иштирокини камайтириш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини изчил таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида 15,2 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларга 6,4 триллион сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўп банк кредитлари ажратилди.

Президентимизнинг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бунда дастуриламал бўлаётир.

> 4-бет.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида



Ўзбекистон мустақиллик йилларида: Биз ким эдик ва ким бўлдик

ЎзМТДП Марказий кенгаши энг улуг, энг азиз байрам муносабати билан шу мавзуда тадбир ташкил этди

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни мужассам этган адабий-бадиий кечалар, семинар ва давра суҳбатлари, турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда, маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилмоқда. Энг улуг, энг азиз байрамни муносиб нишонлаш учун ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

> 2-бет.

Партия ва электорат

Янги лойиҳалар

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилаяпти

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остидаги миллий маҳсулотлар нуфузини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини ривожлантириш ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳадаги энг устувор вазифаларидан саналади. Партия бунинг воситасида мамлакатимиз саноати салоҳиятини янада ривожлантириш, кўшимча иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга кўмаклашишни мақсад қилган.

"Миллий тикланиш" газетасининг шу йил 30 июль сонидан андижонлик маслақдошимиз Фаридахон Турғунованинг "Электорат минбари" руни остида берилган фикр-мулоҳазаларини ўқиб, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашининг бу борада олиб бораётган ишлари ҳақида янада кенгрок маълумот беришни жоиз тоғдик. Аввало, таъкидлаш керакки партияимиз аъзоларининг аксарияти зиёлилардан иборат бўлса-да, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш устувор мақсад-вазифаларимиз сирасига киради. Партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни рўйга чиқариш мақса-

дида 2015 йилда янги лойиҳаларни амалга ошираёپмиз. Масалан, ЎзМТДП вилоят кенгаши ҳузурида "Миллий тикланиш ғоясининг етакчи тарғиботчилари" тарғибот гуруҳи ташкил этилди. Тарғибот гуруҳи таниқли шoir ва ёзувчилар, олимлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хунармандлардан иборат. Улар партияимиз электоратини ўйлантираётган бир қанча масалаларни ҳал этишга яқиндан кўмаклашаётир. Ўтказилган 20 дан ортиқ учрашувда иш ўринларини яратиш, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёш авлод камолотида маҳалланинг иштироки, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш воситасида юртимиз саноати салоҳиятини

янада юксалтириш каби масалалар кенг муҳокама этилди. Қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, чекка ҳудудларда ишлаб чиқариш ва оилавий корхоналар фаолиятини ривожлантириш, хунармандлар учун махсус ярмаркалар ташкил этиш, улар ўртасида турли танловлар ўтказиш каби аниқ таклифлар кўпчиликлари манзур бўлаётир.

"ЎзМТДП — менинг тасаввуримда" мавзусидаги янги лойиҳа эса ёш хунармандларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Жорий йил лойиҳа доирасида ташкил этилган кўрик-танлов электоратимиз ва хайрихоҳларимиз эътиборини тортиди, улар қизиқишига сабаб бўлди. Кўрик-танловга ёш хунармандлардан юзлаб ижодий ишлар келиб тушмоқда. Июнь ойида танловнинг туман босқичи якунланди. Мазкур танлов ёшларни хунармандчилик сирларини ўрганишга, уларни ота-боболаримиз касбига чўқур ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳисса қўишни шубҳасиз. Зотан, ЎзМТДПнинг асосий мақсад-муддаоси ҳам навқирон авлодда миллий хунармандчилигимиз, азалий кадрларимиз ва урф-одатларимизга чўқур ҳурмат руҳини шакллантиришдан, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ҳамиджон ОМОНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари

Назорат ва таҳлил

Сув нафақат инсоннинг кундалик турмуши, балки деҳқончиликда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ҳар нарсада меъёр бўлгани яхши. Биргина, экинларни сугориш ва етиштиришда сувнинг керагидан ортиб кетиши ҳосилнинг камайиши, ер унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

Сирдарё вилоятида кўп йиллардан буён ерости суви сатҳи юқорилиги аҳолини ташвишлантириб келаётган эди. Айниқса, ҳудудда дренаж тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эҳтиёж катта.

Гулистон янада чирой очмоқда

халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ижроси юзасидан сессия муҳокамасига масала киритди

Бу борада Президентимизнинг шу йил 9 мартдаги "2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости суви сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги фармойиши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фармойишга мувофиқ, шаҳар инфратузилмаси тубдан яхшиланади, аҳолининг турмуш фаровонлиги янада ошади.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Миллий кино: санъатми, саноат?

ёхуд хусусий киностудиялар фаолиятига бир назар



> 5-бет.

Кўнгли ободнинг юрти ҳам обод

истиклол манзаралари



> 6-бет.

Индонезия сиёсий партиялари

ислохотлар жараёнида фаол ва ташаббускор



> 7-бет.

"Тош ўрмон"

бағридаги сир-синоатлар



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида

Ўзбекистон мустақиллик йилларида: Биз ким эдик ва ким бўлдик

ЎзМТДП Марказий кенгаши энг улуг, энг азиз байрам муносабати билан шу мавзуда тadbир ташкил этди



Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда партия Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Биз ким эдик ва ким бўлдик" мавзусида ўтказилган семинарда истиқлол йилларида эришилган ютуқ ва марралар қиёсий таҳлил этилди. Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, ҳуқуқшунос, адабиётшунос, тарихчи олимлар ва ёшлар иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов "Ўзбекистон истиқлол йилларида: миллий тикланишнинг миллий юксалиши сари" мавзусида маъруза қилди.

— Бугун юртимизда, шаҳару қишлоқларда байрам шукуҳи ҳукмрон, — деди партия раҳбари. — Халқимиз энг улуг, энг азиз байрамни муносиб кутиб олишга ўзгача иштиёқ билан катта тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори байрамни муносиб кутиб олишда муҳим асос бўлиб, ҳар биримизга кўтаринки рўқ бағишлади.

Истиқлол ҳақида гапирганимизда мамлакатимиз 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустақил, маъмурий-буйруқбозлик, режали-таксимот тизимидан воз кечи, "ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, бугунги кунда ҳаётга изчил таъбиқ этилаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини — давлат қурилиши ва конституциявий тузумини тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодий таъмирнинг маъмурият ҳоли этиши, унинг сиёсатдан устунилигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиши, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир.

Мамлакатимиз ислохотларни инқилобий усулда, яъни "шок терапияси" йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечи, тadbирчи тараққиёт йўлини танлаб олгани халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Утган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамасдан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 5,5 баробар, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда салкам 9 баробар ўсди, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 31 миллион 500 минг кишидан ошганини инobatга олсақ, бу кўрсаткичнинг ахамияти янада яққол намоён бўлади.

Бугун мустақил мамлакатимиз янги тарихий шароитда оёққа туриб, тараққиётнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий асослари яратилди. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг демократик тизими шакллантирилиб, муваффақиятли ривожланимоқда. Халқ ҳокимиятчилигининг устувор тамойиллари ишлаб чиқилиб, халқ давлат ҳокимиятининг ягона манбаи ва ўз истиқболининг ҳақиқий ижодкорига айланди.

Таъкидланганидек, истиқлол шарофати билан тарихан қисқа даврда Ўзбекистон иқтисодиёти тез суръатлар билан

ривожланиб, куч-қудрати ва салоҳияти ҳар томонлама юксалиб бораётган мамлакатга айланди. Мустақиллигимизнинг ўтган 24 йили том маънода Юртбошимиз раҳнамолигида тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида жамиятнинг барча жабҳасида ривожланиш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, халқро ҳамжамиятда давлатимиз нуфузини юксалтириш, энг муҳими, тинчлик, осойишталик барқарор бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш даври бўлди. Президентимиз ташаббуси билан бу йилги байрамимиз "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деб номланган эзгу гоё асосида кутиб олаётганимиз замирида, туб моҳиятида ҳам мустақиллигининг нақадар улуг неъмат экани, шу улуг Ватанда ўтаётган тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашдек улуг мақсад мўжассам. Шу боис партиянинг истиқлол тантаналарини нишонлашга бағишланган тadbирларида ушбу эзгу гоёни ўзида мўжассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлариغا алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган.

ЎзМТДП тизимида бу каби тарғибот тadbирлари таъсирчанлигини таъминлаш, демократик янгилашни нишонлаш аҳолининг кенг қатламларига тушунтириш мақсадида эл орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор кишилар, кўпни кўрган нуруний кексалар, олимлар ва партия фаоллари иштирокида турли учрашувлар ташкил этилмоқда. Тadbирларда мустақиллигининг ҳар бир инсон учун олий бахт, уни асраб-авайлаш фарзандлик ва фуқаролик бурчи эканини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

— Истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқ ва марраларни кўриб, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган камол топаётган ёшларнинг улуг аждодлар изидан бориб, уларга муносиб бўлиб улғаяётганини кузатиб, ўзалигини англаб бораётган халқимизнинг келажак сари дадил одимлаётганига яна бир бор амин бўламиз, —



Сарвар МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

Акmal УМИРЗОҚОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марраларни дунё ҳамжамияти очик-ойдин эътироф этаётгани ҳар биримизга гурур ва ифтихор тўғрисида бағишлайди. Хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми эълон қилган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллади. Бирлашган Миллатлар Ташкилати кўмағида АҚШнинг Колумбия университети ташкил этган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси"да Ватанимиз 158 мамлакат ўртасида 44-погонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Эришилган ютуқ ва марралар замирида халқимизнинг ўзаро бирдамлиги, фидокорона меҳнати мўжассам. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, янгилаш ва демократик жараёнлар халқимиз ҳаёти ва турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётди. Бугунги семинарда мамлакатимиз мустақил тараққиёт йилларида қўлга киритган ютуқларини юртдошларимиз орасида кенг тарғиб қилиш, тadbирларда шарафли, шу билан бирга машаққатли йўлимизни аниқ, ҳаётий ва қиёсий мисоллар воситасида тушунтириш лозимлиги таъкидланди.

Шаҳзода НИЗОМИДДИНОВА, ЎзМТДП Чиноз туман кенгаши раиси:

— Юртимиз бўйлаб истиқлол шукуҳи кезиб юрибди. Биз учун энг улуг, энг азиз айём орзуларимизга қанот бахш этган, келажакка ишончимизни мустаҳкамлаган кун сифатида қадрлидир. Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, элу юртга содик, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган янги авлоднинг тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис бугун ўзбек ёшлари барча соҳада ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиб, кимларнинг авлоди ва нималарга қодир эканини исботлаётди. Зотан, бундай имкониятлар юртида бошқача бўлиши мумкин эмас, асосий мақсадимиз — шу юртга камарбаста фарзанд бўлиш, мустақилликини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўиши.

деди тadbирда маъруза қилган ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Ўзликнинг таянчлари эса тарих ва маънавиятдир. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажакги йўқ, Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин. Ҳар қайси инсон ўзлигини англаб, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чуқур ўзлаштирганда, диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшагандагина маънавиятимизни асрашимиз, унга таҳдид соладиган хуружларга қарши курашимиз мумкин бўлади. Партияимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" гоёсини амалга ошириши замирида ҳам мана шундай эзгу мақсадлар мўжассам. Зеро, юртга муҳаббат, тарихий ўтмишни унутмаслик, буюк аждодлар меросидан фахрланиш, мамлакатнинг бугунги ва келажак ҳақида қайғуриш, авлодлар учун фаровон Ватани асраб-авайлаш каби қадриятлар ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларининг асосини ташкил этади.

Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуглаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар яратди.

Мамлакатимизда замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз ортига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, хал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида фақат сўнги беш йилда мамлакатимизда 278 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилди ва реконструкция қилинди. Бугунги кунда 2 миллион ёш, жумладан, 840 мингдан ортик қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Семинарда таъкидланганидек, юртимиз эришаётган бу каби ютуқлар, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг юксалиши — барча-барчаси тинчлик ва осойишталик тўғрисида қўлга киритилаётганини барчамиз юксак қадрлаймиз ва уни мустақамлаш учун курашимиз, муносиб ҳисса қўишимиз даркор. Зеро, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва хушёр бўлиб яшаш — бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифадир.

Семинар якунида ЎзМТДПнинг қуйи ташкилотлари томонидан жойларда мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилаётган тadbирлар таъсирчанлигини ошириш бўйича аниқ чора-тadbирлар белгилаб олинди.

ЎзМТДП ташкилотларида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг 30 июлда бўлиб ўтган пленумида партиянинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган тарғибот тadbирлари режаси, 2015 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда фаолиятга оид бошқа масалалар муҳокама қилинган эди.

Айни кунларда ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари мажлисларида ҳам ана шу масалалар чуқур ўрганилиб, унинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш, мустақиллик байрамини юқори савияда нишонлашга доир чора-тadbирлар ишлаб чиқишмоқда.

Қорақалпоғистон. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши мажлисида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Президентимиз қароридан келиб чиқадиган муҳим вазифалар, партиянинг 2015 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама этилди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар, партия фаоллари иштирок этиб, партия кенгашлари фаолиятини янада кучайтириш масалалари хусусида атрофлича фикр юритилди.

Мажлисида партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибай Романов Ўзбекистон Республикаси Пре-

жабов партия фаоллари ва депутатлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва фойдаланилмай қолган имкониятлар, маҳаллий кенгашлар фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларга тўхталди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Андижон. ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши мажлисида партия вилоят кенгашининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган тadbирлар режаси, партиянинг 2015 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ва асосий йўналишлари муҳокама этилди.

Партия Андижон вилоят кенгаши раиси Комилжон Отахонов партия ташкилоти томонидан

жалар ҳам яққол кўрсатиб турибди. 2009 йил бўлиб ўтган сайловда 4 нафар партияимиз вакили депутат этиб сайланган бўлса, ўтган йилги сайловдан сўнг депутатларимиз сони икки бараварга ошди. Туман кенгашига сайланган 8 депутатимиз ўз сайловчилари мурожаатларига масъулият билан ёндашаётгани, партия ташкилотининг турли воситалар орқали аҳоли орасига тобора чуқурроқ кириб бораётгани электорат ишончини қозонишга имкон яратмоқда. Мажлисида фаолиятимиз билан бевоқифлик масалалар муҳокама этилгани, ундан олган хулосаларимиз ишчимизни янада жонлантиришга туртки бўлади.

Хоразм. Ватанимизнинг иқтисодий тараққиёти ва халқимизнинг порлоқ истиқболи, бугунги тинч ва осойишта ҳаёти, обод ва фаровон турмуши истиқлол туфайлидир. Бугунги кунда Ўзбекистон барча соҳаларда

Электорат ишончини оқлаш

ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди

зидентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг ҳам барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари фаол саъй-ҳаракат олиб бораётганини таъкидлади. Ўтказилаётган тadbирларда мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас динимиз, буюк аждодларимизнинг номларини улуглаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш борасида улкан имкониятлар эшигини очиб бергани хусусидаги фикрлар аниқ ва ҳаётий мисоллар воситасида очиб берилмоқда.

Шундан сўнг партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлил қилинди. Партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаолияти ЎзМТДПнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган иш дастури ҳамда партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлашга қаратилди. Барча даражадаги партия ташкилотлари жойларда ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзолар ва хайрихоҳлар сафини кенгайтиришга қаратилган 330 дан ортик тadbир ташкил қилди. Тadbирлар асосан лойиҳалар доирасида ташкил этилиб, уларда замонавий сиёсий технологиялар кенг қўлланилди. Айни пайтда бошланғич партия ташкилотлари 607, партия аъзолари сони 14 минг 804 га етди.

Таъкидланганидек, партия ташкилоти фаолиятида эришилган натижалар билан бирга айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари бевосита маҳалла, овуллар, меҳнат жамоаларида ташкил этилиб, иш олиб бораётган, ҳар кун одамларнинг қувончу ташвишларига рўбарў бўлади. Модомки шундай экан, қуйи бўғинлар халқ депутатлари ҳудудий Кенгаш сессияларига партия гуруҳлари томонидан кўтарилаётган масалаларнинг ташаббускорига айланиши, улар фаолиятини янада жонлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юқори партия ташкилотларининг лозими.

Мажлисида ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси дево-ни бўлим бошлиғи Ҳусниддин Ра-

амалга оширилган ишлар, хусусан, 2015 йилда жорий қилинган янги лойиҳалар — "Энг долзарб ва оммавий тadbир", "Миллий тикланиш гоёсининг етакчи тарғиботчилари гуруҳи", "Миллий фильмларимиз — миллий ўзлимиздан дарак берсин", "ЎзМТДП — менинг тасаввуримда", "Маҳаллий ишлаб чиқаришдан маҳсулотлар миллий иқтисодиёт ривожига омилдир" мавзусидаги тadbирлар ҳақида сўз юритиб, улар партия аъзолари ва электорати сафининг кенгайишига сезиларли таъсир кўрсатганига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия Андижон вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" 112, "Ёшлар қаноти" 119 тadbир ташкил этди. Бошқа йўналишларда ҳам ташкил этилган жами 458 тadbирнинг аксарияти оммавий ахборот воситаларида кенг еритилди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида партия гуруҳлари томонидан 59 депутатлик сўрови, 32 депутатлик назорати амалга оширилди. Депутатларимизга фуқаро ва сайловчилардан 43 мурожаат келиб тушиб, улар ваколат доирасида ўз вақтида ҳал этилди.

Ўтказилган тadbирлар ва тарғибот ишлари натижасида Андижон вилоятида ЎзМТДП аъзолари сони 11 мингдан ошди. Партия сафидаги хотин-қизлар 6 минг 553, ёшлар 5 минг 476 нафарини ташкил этмоқда.

Мажлисида партия тизимиде жорий йил ўтган даврида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва йўл қўйилган айрим камчиликлар атрофлича муҳокама этилди. Мажлис якунида ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев, халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Муҳаммадамин Охунов, партия фаоли Шавкатбек Мўйдинов фикр-мулоҳаза билдирди. Қўрилган барча масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Жаннатхон ИСМОҲОВА, ЎзМТДП Улуғнор туман кенгаши раиси:

— Партияимизнинг Улуғнор туманида фаолият юритаётган 22 бошланғич ташкилоти ўз сафига 684 аъзони бирлаштирган. Туманимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси электорати ва хайрихоҳлари йил сайин кўпайиб бораётди. Буни партия фаолиятидаги янги нати-

жадал ривожланаётган, аҳоли турмуш фаровонлиги йил сайин юксалиб бораётган давлат сифатида халқаро майдонда эътироф этилмоқда.

— ЎзМТДП Хоразм вилоят ташкилоти эришилган марралар, бугун дунё тан олган ютуқларимиз мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига етказишга интилоқда — деди партия Хоразм вилоят кенгаши раиси Баҳодир Бобононов ўз маърузасида. — Президентимиз маъруза ва асарлари ҳамда юртимизда кечаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар, озод ва фаровон ҳаётнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга йўналтирилган тарғибот ишлари, семинар, давра суҳбатлари ташкил этилаётди. Тadbирларда юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш, дорилмомон кунлар қадрига етиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан "Кексаларни эъзозлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир", "Кексаларнинг минг бир ҳикмати" ҳамда миллий-маънавий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилишга қаратилган тadbирларни юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Халқимизнинг фахр-ифтихори бўлган улуг алломаларимиз тарихий меросининг дунё тамаддунида тутган ўрни ва бугунги кундаги аҳамиятини ўрганиш мақсадида ташкил этилган "Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли" лойиҳаси ҳам кенг қўллаб-қувватланди. Вилоят партия ташкилоти 6 ой давомда ўтказган 432 тadbирда жами 25 мингдан зиёд юртдошимиз иштирок этди.

Тарғибот тadbирлари сифати ва таъсирчанлигининг оширилиши натижасида партия аъзоларининг сафи кенгайди. Бугун Хоразмда ЎзМТДП аъзолари сони 15 минг 461 нафарни ташкил этади. 309 бошланғич партия ташкилоти мавжуд.

Мажлисида партия ташкилоти фаолияти танқидий таҳлил этилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильяс ДИЛЬМАНОВ, Замира РЎЗИЕВА, Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" мухбирлари

Навоий вилояти: Партия сайловолди Платформасини амалга ошириш

хамда электорат манфаатини ҳимоя қилиш — асосий вазифамиз

Мулоқот

Фаолиятимиз партия дастурий мақсад ва вазифалари рўёбига қаратилган

ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Азимжон Ёркулов билан суҳбат



— Бугун юртимизнинг барча гўшасида байрам шукухи, чортоқларимиз қалбида тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизга шукроналик, эртанги кунга ишонч — халқимиз эзгу орзуси ўз ижобатини топаётганининг амалий ифодасидир. Вилоятда мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун кўрилатган тайёргарлик жараёнларида ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгашининг иштироки ҳақида тўхталсангиз.

— Энг улуг, энг азиз байрамнинг йигирма тўрт йиллиги арафасида босиб ўтилган тараққиёт йўлини, эришилган марраларни сарҳисоб қилар эканмиз, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз ўз шижоати ва жасорати, меҳнати билан тарихан қисқа даврда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдеворини яратиб берганини барчамизга гуруҳ-ифтихор бағишлайди. Тараққиётнинг, давлат ва жамиятнинг ислоҳ қилишнинг ўзига хос ва мос йўли — “Ўзбек модели”га таянган, миллий тикланиш ва юксалиш жараёни уйғун олиб бориладиган тўғри йўл ўзбек халқи жаҳон сахнидан яна ўзининг тарихий ўрнини тоғди. Ватанимиз эса давлат сифатида ўз нуфузига эга бўлди.

Мустақиллик — азиз неъмат. Унинг моҳиятини теран англаган ҳар бир инсон қалбида фخر ва гуруҳ туйғуси жўш уради. Истиқлол йилларининг ҳар бир кунини юксак тараққиёт, янги-янги марралар, янгиликлар даври сифатида тарих зарварларидан жой олимоқда. Соҳаларда кечаятган ислохотлар эса аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириб, юрдошларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур

жараёнда партияимизнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ташаббускор, интилувчан, энг муҳими, қалбдан уйғоқ бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан, партиянинг 8 туман ва 2 шаҳар кенгаши, 13 минг 143 нафар аъзо ва 507 та бошланғич партия ташкилотига эга бўлган ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳам ўз фаолиятини замон билан ҳамнафас олиб боришга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислох этишининг ҳозирги босқичида зиммамизга фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, партия сафини фаол ва ташаббускор фуқаролар ҳисобига кенгайтириш, тарғибот тадбирларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришдек устувор вазифалар юкланмоқда. Бу борада партияимиз фаоллари муайян ишларни амалга ошираётганини эътироф этиш ўринли. Муҳими, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш ва ўзига хослигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 700 га яқин тадбир ташкил этилиб, асосий эътибор маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалаларга қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, вилоятимизда ҳам энг улуг, энг азиз байрамни муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик кўриломоқда. Қарор ижросини таъминлашда, хусусан, “Бетақорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” эзгу ғоясининг мазмун-моҳиятини барча юрдошларимиз онгу шуурига етказиш, бу борадаги маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини амалга ошириш зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Шу мақсадда ЎЗМТДП Навоий вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари алоҳида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинларида, қорхона ва ташкилотларда учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бу жараёнда вилоятимиз ижод аҳли, маданият ходимлари ва спортчи ёшлар кенг

жалб этилаётир. Бу эса тадбирларнинг қизиқарли ва жонли ўтишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қарорига асосан вилоятдаги мингдан ортиқ кўргазмали тарғибот воситаларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни ўзда мужассам этган лавҳалар акс эттирилмоқда. Мазкур кўргазмали воситаларнинг тайёрланиш жараёнида ҳам партия фаоллари ўз ташаббус ва амалий тақлифлари билан фаол иштирок этаётир.

Турли миллат вакиллари иштирокида қилувчи вилоятимизда бугун 10 миллий-маданий марказ фаолият юритмоқда. Уларда турли миллат вакиллари ўз миллий анъаналари, қадриятлари ва урф-одатларини асраб-авайлаб, ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Партияимиз ташкил этаётган байрамолди тарғибот тадбирларига ана шу миллий-маданий марказлар тайёрлаган бадиий чиқишлар янада фойдаланилмоқда.

— Партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, шубҳасиз, партия гуруҳлари муҳим ўрин тутати...

— Дарҳақиқат, юртимизда кечаятган ислохотларнинг ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан, биз партия гуруҳларининг назорат- таҳлил фаолиятини кучайтириш, уларнинг маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига киритаётган электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларни қамровини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни бартараф этиш мақсадида шу кунга қадар депутатларимиз 150 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширдик. Партия гуруҳлари ташаббуси билан ҳудудларни мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 56 тақлиф доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилди. Жорий йилнинг шу даврига қадар фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида 70 га яқин депутатлик сўрови амалга оширилди.

— “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури юзасидан амалга оширилаётган ишлар — Ўзбек оилаларида ҳар бир эзгу иш хонадон кексалари дуоси билан Кексаларни эъзозлаш йили деб номланиши ва Давлат дастурининг қабул қилиниши юртимизда кексаларга бўлган эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди.

— Ўзбек оилаларида ҳар бир эзгу иш хонадон кексалари дуоси билан Кексаларни эъзозлаш йили деб номланиши ва Давлат дастурининг қабул қилиниши юртимизда кексаларга бўлган эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Давлат дастурида белгиланган вазифалар, ўз навбатида, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари зиммасига ҳам алоҳид ҳисса қўйиб келмоқда. Партияимиз ташкил этаётган байрамолди тарғибот тадбирларига ана шу миллий-маданий марказлар тайёрлаган бадиий чиқишлар янада фойдаланилмоқда.

Давлат дастурида белгиланган вазифалар, ўз навбатида, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари зиммасига ҳам алоҳид ҳисса қўйиб келмоқда. Партияимиз ташкил этаётган байрамолди тарғибот тадбирларига ана шу миллий-маданий марказлар тайёрлаган бадиий чиқишлар янада фойдаланилмоқда.

— Дарҳақиқат, юртимизда кечаятган ислохотларнинг ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан, биз партия гуруҳларининг назорат- таҳлил фаолиятини кучайтириш, уларнинг маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига киритаётган электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларни қамровини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни бартараф этиш мақсадида шу кунга қадар депутатларимиз 150 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширдик. Партия гуруҳлари ташаббуси билан ҳудудларни мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 56 тақлиф доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилди. Жорий йилнинг шу даврига қадар фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида 70 га яқин депутатлик сўрови амалга оширилди.

— “Миллий тикланиш” муҳбири Уралой ТУРДИБЕВА суҳбатлашди

Партия аралашуви билан маҳаллада болалар спорт майдончаси қурилди

Истиқлол туғилган ҳаётимиз янгилашиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалди. Бу, аввало, жаннатмонанд юртимизнинг ҳар бир гўшасида олиб борилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, яратилаётган муносиб турмуш шароитида яққол намоён бўлмоқда.


Кўрсатиш шахобчаларини ташкил этиш каби хайрли ишларда ЎЗМТДП Навоий шаҳар кенгаши фаолларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шаҳардаги “Меъмор” маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайман. ЎЗМТДП фаоли сифатида партия билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Маҳалламизда истиқомат қилаётган бир гуруҳ фуқароларнинг талаб-истакларини инобатга олган ҳолда, ЎЗМТДП Навоий шаҳар кенгаши раиси Нурбек Улуғбердиевга даҳада автотураргоҳ, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ва болалар спорт майдончаси ташкил этишда кўмак беришини сўраб мурожаат қилдик. Партия шаҳар кенгаши ҳамда халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳининг бевосита ташаббуси билан ҳудудимизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ва болалар спорт майдончаси барпо этилди. Худуд ободлиги, аҳоли турмуш

даражасини юксалтириш мақсадига қаратилган бундай эзгу ишлар ислохотларнинг ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалламиз аҳолиси ҳудудни ободонлаштириш ва муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида олиб борилаётган бу каби хайрли ишлардан, ўз имконияти ва вақолатидан унумли фойдаланаётган партия ва депутатлардан мамнун. Ўз навбатида, биз ҳам партиянинг мақсад ва ғояларини кенг жамоатчиликка етказиш, партия шаҳар кенгаши ўтказаятган барча тадбирда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар барқарорлигини таъминлаш, ёши улуг инсонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун барча шарт-шароитни муайён қилиш каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Навоий шаҳар кенгаши билан доимий ҳамкорлигимиз маҳаллада ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлашга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

— Лола ТУРДОБОВА, Навоий шаҳридаги “Меъмор” МФЙ маслаҳатчиси, ЎЗМТДП фаоли



Фаолият: факт ва рақамларда

- ✓ Навоий вилоятида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 13 минг 143 нафар аъзоси бор
- ✓ Партия аъзоларининг 49 фоизини ёшлар ташкил этади
- ✓ Вилоятда 507 бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда.
- ✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 1, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 93 нафар депутат сайланган
- ✓ Жорий йилнинг шу даврига қадар ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгашининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатларига келган 270 га яқин мурожаатнинг 195 таси ижобий ҳал этилди
- ✓ Фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида 70 га яқин депутатлик сўрови амалга оширилди.

Аҳоли манфаати — асосий масала

улар асосида янги тақлиф ва ташаббуслар билан чиқиш кўйиб бугунлар фаолиятининг асосий мезонига айланмоғи лозим

Демократик ислохотлар тобора чуқурлашаётган, соҳаларда кечаятган янгилашлар ўз самарасини яққол намоён этаётган бугунги кунда ҳар бир сиёсий партия ўз ғоя ва мақсадларини янгилаш қарорлар, замонавий ва таъсирчан услуб ва воситалар билан тарғиб қилиб, кенг жамоатчилик орасига янада чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилаётир. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз сайловолди Платформасида белгиланган дастурий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда партия тизимида энг муҳим бугун ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини таъминлашга алоҳид эътибор қаратмоқда.



Албатта, партиянинг жамият ва аҳоли ўртасидаги нуфузи кўп жиҳатдан унинг асосий таъинчи ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ЎЗМТДП Навоий вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳам асосий эътиборини кўйиб бугунлар сонини янада кўпайтириш ва уларнинг иш самардорлигини оширишга қаратмоқда.

Бугунги кунда ЎЗМТДП Навоий вилоят туман ва шаҳар Кенгашлари қошида 507 та БПТ мавжуд бўлиб, шундан 180 таси бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган. 2014 йилнинг шу даврига нисбатан вилоятдаги кўйиб бугун ташкилотлари сони 38 тага кўпайиб, 900 дан ортиқ фуқаро Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоллигига қабул қилинди.

“Ўзбектелеком” АК Навоий филиали қошида тузилган кўйиб бугун партия электоратини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш ва партия

ғояларини тарғиб қилишда намуна кўрсатиб келмоқда. Ўз сафида 25 аъзони бирлаштирган ушбу кўйиб бугун фаолларидан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари ёшларни турли мафкуравий таҳдид ва ёт ғоялардан асраш, айниқса, ёшларимизда одам савдоси оқибатлари ҳақида аниқ ва тўғри тасаввур уйғотиш борасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқда. “Гийҳандлик умр заволи”, “Одам савдоси қурбонига айланган қолманг” каби долзарб мавзулардаги давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Хатирчи тумандаги “Галабек” МФЙ ҳузурда ташкил этилган кўйиб бугунда миллий ҳунармандчиликни оммалаштириш орқали “устоз-шогирд” аъёналари изчил давом эттирилмоқда.

— Маҳалламизда ҳунармандчиликка қизиқувчи ёшлар жуда кўп, — дейди кўйиб бугун фаоли Шоира Хушвақтова. — Бошланғич ташкилотимиз партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ўз фаолиятларини кенг йўлга қўйиши учун кўмаклашмоқда. Ҳудудда тикувчилик цехи очилгани, бу орқали ёшларни иш билан таъминлаш, қизларга ҳунармандчилик сирларини ўргатишни мақсад қилганмиз. Зеро, ЎЗМТДП сайловолди Платформасида миллий ҳунармандчилик турларини ривожлантириш, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган “устоз-шогирд” аъёнани мураббийлик мактабини кенг йўлга қўйиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, кўйиб бугунлар юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида муносиб иштирок этишга, партия аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашишга интиломоқда. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига партияимиздан сайланган депутатлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиши ва ўзаро ҳамкорликда маҳаллий кенгашлар сессияларига олиб чиқиш борасида сай-ҳаракат қилаётир.

— Отабек МҮМИНОВ, ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси

Аёллари улуғланган юрт бунин хотин-қизларни қўллаб-қувватловчи лойиҳалар мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси бугунги фаровон турмушимизда, шаҳар-қишлоқларимизнинг кўркам қиёфасида, ёш-кексага бўлган юксак эътиборда, хотин-қизларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромда яққол намоён бўлмоқда. Бу мустақиллигимизнинг дастлабки қулариданок мамлакатимизда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани самарасидир.

Бугун Ўзбекистон хотин-қизларнинг юрт равнақи, жамият ривожини йўлидаги фидокорона меҳнатини ҳуқуқимиз муносиб тақдирламоқда. Айни пайтда ўн уч аёл “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган юбилей унвонига, кўлаб опа-сингилларимиз давлат мукофотларига сазовор бўлгани, Зулфия номидаги Давлат соҳиблари 226 нафарга етгани ҳам чин маънода нозик хилқат эгаларига кўрсатилаётган юксак эътибор намунасидир.


Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби долзарб вазифалар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифаларида ҳам ўз ифодасини толган. Бу борада партия “Аёллар қаноти” та-

тарбиясида хотин-қизларнинг ўрни”, “Барқарор оилани вужудга келтиришда ва асраб-авайлашда хотин-қизларнинг роли” мавзуларидаги тадбирлар партияимиз хайрихоҳлари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир. “Донорлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” танловида иштирок этиш ниятини билдирган хотин-қизларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётгани эса мазкур лойиҳанинг муносиб баҳосидир, аслида.

Юртимиз мустақиллигининг 24 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида тадбирларимиз самардорлигини янада ошириш ва уларда миллий аъёна ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш ва бу жараёнда вилоятимизнинг энг фаол хотин-қизларини жалб этиш олди-мизда турган муҳим вазифаларимиздан биридир.


— Шаҳноза РАСУЛОВА, ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони етакчи мутахассиси

Бугуннинг гапи



Миллий кино: санъатми, саноат?

ёхуд хусусий киностудиялар фаолиятига бир назар



Мамлакатимизда миллий маънавиятимизни юксалтириш йўлидаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида кинематография соҳасини изчил ривожлантириш, унинг халқимиз ҳаёти, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида давлат ва нодавлат студиялари, кинотеатрлар фаолияти замон талабларига мос тарзда ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартдаги "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони бунда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Бу жараёнда хусусий ва тижорий фильмларнинг пайдо бўлиши кино ижодкорларининг янада эркин ва самарали фаолият юритиши, ўзаро рақобатнинг ортиши, кинотеатрларнинг доимий фаолиятини таъминламоқда. Бундан ташқари, томошабинни кўпроқ жалб қилиш учун ўзига хос кураш натижасида рақобатбардош асарларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сараланиб боришига замин яратди.

Аслида хусусий киностудияларнинг кино санъати ривожига қўшаётган ижобий таъсирларини яна узоқ санаш мумкин. Шу ўринда савол туғилади: нима учун сўнгги пайтларда хусусий фильмлар кўпчилик томошабинлар ва мутахассисларнинг танқидига сабаб бўлмоқда? Бу саволга жавоб топиш мақсадида ўтган йилда хусусий киностудиялар тасвирга олган фильмларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдим...

Дастлаб ҳар бир кадрдан камчилик топа бошладим. Кетма-кет йиғирмата фильми кўргач, улар хатто менга ёқа бошлагандай туюлди. Гарчи кейинги фильмларнинг савиясини олдингиларидан яхши деб бўлмасам-да, охирида камчилик топа олмай қолдим. Тушундимки, савиясиз санъат маҳсули аста-секинлик билан гўзаллик борасидаги тушунчаларингизни ўзгартириб, эстетик дидингизни ўтмаслаштириб боравераркан. Бунда ҳаётини идеалларингиздан чалғиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Шу ўринда хусусий студияларнинг фильмлари айнан қай жиҳатлари билан ҳаётийлик, ҳаққонийлик, бадийлик ва, албатта, мантқиқийлик қондаларига жавоб бериши ё бермаслигини таҳлил қилиш ўринли.

НУТҚ РАВОН БЎЛСИН

Афсуски, бугун аксарият фильмларимизда энг кўп учраётган оғриқли масала — диалогларнинг ўта саёз сўзларга қурилиши ва шевага оид сўзлардан кенг фойдаланишида. Албатта, шеваи бадий асарда тамоман инкор этиб бўлмайди. Чунки у қахрамоннинг қайси ҳудуддан эканига ургу бериши ва шу орқали унинг характери оқиб беришига хизмат қилиши лозим. Бироқ, айрим фильмларимизда ҳеч қандай мақсадан кўзаланган ҳолда шевалардан ноўрин фойдаланилаётгани кўпчиликнинг гашига тегаётгани бор гап. Хусусан, "Мухаббатимсан" (Дурдона Тўлағанова, Жонрид Саъдиев) фильмида бош қахрамон "кутанам" сўзини тошкентликларга хос шевада "пойлайман" дейди. Бу эса бошқа ҳудудда умуман бошқа маъно англатиши ва хатто турли тушунмовчиликка сабаб бўлиши мумкин: худди Андижон шевасидаги "излайман" маъносини берадиган "истайман" сўзидек.

Диалог — икки ёки ундан кўпроқ кишининг ўзаро суҳбати. Бу эса, ўзаро фикрий уйғунликка қурилиши лозим. Бироқ айрим хусусий фильмларда диалоглар ёзишда муаллифлар гапни нимадан бошласам экан, деб қийналиб ўтирмайди. Тайёр "шаблон" бор: хусусий фильмларнинг 90 фоизда диалоглар "биласизми..." деб бошланади. Томошабин эса бу ҳолатни кўргач, қахрамон бирор фалсафий гап айтмоқчи эканини тахмин қила бошлайди. Аммо... яна алданади.

ЯСАМА ХАРАКТЕРЛАР

Санъат асари борлиқни кучайтирилган, бўртирилган тарзда образлар воситасида ифода этар экан, демак, характерларни ҳам ҳаётдаги каби рангбаранг ҳамда ёрқин тасвирлаши лозим. Айнан характер яратиш масаласи бугун хусусий фильмларда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда ўзига хос

лик тамойили бузилаётган ҳолатлар ҳам мавжуд. Хусусан, "Яна бошланди" (режиссёр Жавлон Шодмонов) фильмининг асосида сеҳрли соат туйфайли қахрамонларнинг характерлари бир-бирларига кўчади. Комик вазиятлар шу асосга қурилган. Бир қарашда ажойиб гоё. Аммо характер кўчиши қахрамонларнинг кўп такрорландириган сўзларидан нарига ўтмайди. Бундан ташқари, фильм воқеаларини яхлит ҳолатга келтириш учун майда-майда бир қанча характер хусусиятларини эмас, балки бир-биридан кескин фарқ қилувчи, шунинг натижасида қахрамонни жуда қийин вазиятларга олиб келувчи характер унсурлари, ҳолатлари берилса, фильм муваффақияти таъминланган бўларди.

Бадий асарда характерлар томошабинларга тушунарли бўлиши ёки англашига хизмат қиладиган воситалар билан ифодаланishi керак. Хусусий фильмларнинг айримларида қахрамонлар характерини таснифлаш имкони йўқ. Бир мисол: "Нигоҳ" (режиссёр Санжар Бобоев) фильмида аёлни дугоналари алдаб, тўйга, хизматга олиб боришади. Тўйда эса бир киши уларни телефонда тасвирга олиб, уйда хотинини қутиб қизига эртақ айтиб бераётган эрига жўнатади. Эр буни кўрса-да негадир хотинини ҳеч нарса демайди. Хотини бу ҳақда айтса, "билардим", деб қўя қолади. Шунда Расул Ҳамзатовнинг машҳур шеъридаги бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган савол қулоғингиз остида жанангайди: "Шу ҳам эракми?". Фильм муаллифлари бу билан нима демоқчи? Нимани тарғиб қиляпти? Ёки... тарғиб қилмоқчи эмас.

Афсуски, қўлаб фильмларимизда такрор ё кўчиб юрадиган умумий ҳолатлар мавжуд. Жумладан, қахрамонлар характерлари эрақларнинг аёллардан кўркиши, ёшларимизнинг ўйин-кулгиларига берилиб, тараллабебод қилиб юришлари-ю, севиб қолгач, бирдан маънос бўлиб қолиши, очиги, томошабинларни эриктириди. Қахрамон характерини яратишда шунчаки ташқи қиёфа билан чекланиб қолинмоқда. Оқибатда, фақат бир фильмга хос ва томошабиннинг ёдида қоладиган характерларини учратмайсиз. Ваҳоланки, кўпчилик томошабинлар ўзи яхши кўрган фильмларини бирор характерга хос бўлган хусусият орқали ёдда сақлаб қолишади.

КОНФЛИКТ ВА КУЛЬМИНАЦИЯ МАСАЛАСИ

Кинонинг томошабоплигини оширадиган, томошабинларни қучли қизиқтириш ва ҳаяжонда ушлаб турадиган омил — асар драматизми. Бу бир-бирига қарама-қарши қучларнинг тўқнашувидан содир бўлади. Конфликт моҳиятан қанчалик чуқур, қўлами кенг бўлганидагина асар воқеаларининг динамикаси ўсиб, характерлар ўткирлашиб боради. Бироқ хусусий фильмларнинг кўлида мана шундай йирик конфликт йўқ. Шу боис уларни бир-биридан ажратиш, эслаб қолиш мушкул. Фильмларда асосан уч тоифа зиддиятни қузатиш мумкин: инсон ва чорасизлик, катталар ва ёшлар, муҳаббат ва айрилиқ. Масалан, "Хато" фильми (режиссёр Жўра Исроилов) аслида ёшлар ва катталар ўртасидаги муносабатга бағишланган бўлса-да, конфликт борасида тушунча ҳам йўқ. Улар шунчаки, учраб қолган қизиқ воқеани кўрсатиб беришигина ўз олдига мақсад қилиб қўйгандек гўё.

Хусусий студиялар ишлаган фильмларда кульминация масаласи конфликт каби ўта мураккаб ҳолатда. Масалан, юқорида айтиб ўтилган "Яна бошланди" ва "Мухаббатимсан" фильмларида кульминация хусусиятлари мавжуд нуқта қузатилмайди. Яна айримларида кульминациянинг сунъий тикиштирили-

ши асарнинг умумий бадий яхлитлигига пугур етказилади. Хусусан, "Қора мушук" (Режиссёр Санжар Шодиев) фильмида хонадон оғасининг тасодифан ўз уйидаги алоҳида яширин хонани топиб олиши ва шундан кейин ота уйини сотмаслик кераклиги борасидаги мулоҳазалари асар кульминацияси сифатида кўринади. Зеро, асарда ундан-да юқори чўққининг ўзи йўқ. Бироқ бу эпизодни асар воқеаларининг умумий ривожига сира дахли йўқ, бильакс иккинчи даражали қахрамоннинг ҳақиқати, холос.

Асар фабуласи ва сюжетнинг ўзаро узвийлиги масаласи ҳам ҳафсалани пир қилар даражада. Аксарият хусусий фильмларнинг камчилиги худди мана шунда — воқеалар бир-бирига мантиқан, ҳаққоний болганмайди. Айрим, шунчаки йўл-йўлақай ўйлаб топилган воқеалар фильмининг умумий ривожига хизмат қилмайди.

СЮЖЕТЛАР ҲАЁТИЙМИ?

Фильмларда сунъий эпизодлар кўп учрайди. Жумладан, "Юрак йиғлар" (режиссёр Акром Шаҳназаров) фильмида қахрамоннинг ақл-заковатини намойиш қилиш мақсадида қўшилган "севги изхори" танлови ҳаётий эмас. Бундан ташқари эпизод шундай ривожланадики, айни учинчи жуфтлик изланаётганда қахрамонларнинг даврга кириб келиши ва бирозгина кистовлардан сўнг сахнага чиқишади. Шунингдек, "Кечир, фарзандим" (режиссёр Мурод Иноғомов) фильмининг муаллифлари ҳам икки қахрамон йигит ва қизни бир-бирлари билан севишиларини шу даражада қўлаб севиши, натижада тинмай уларни ҳар жойда учраштиришаверади. Айниқса, ўйинқароқ йигитнинг калити қолиб кетиб, ўз машинасига киролмай ўтирганида, танишига дардини айтаётган қизнинг дабдурустдан шубҳалангани ва унинг ёнига келиб жанжал бошлаши, бекорчи қахрамоннинг тунги безориликлари боис рақибларидан қўчиб, айнан ўша қизнинг уйига кириб қолиши ва қиз бўлар-бўлмасга асабийлашавериши-ю, йигитни севиб қолгач, (?) фариштадек бўлиб қолиши томошабинга табиий таъсир қилмайди. "Салом гурпадагилар" (режиссёр Баҳодир Мирзақаримов) фильмида муаллифлар ўйлаб топган воқеаларда бош қахрамон кўр-кўрона юргандек кўринади. Қишлоқдан келган қизнинг уни бошқа биров билан адаштирган йигит етакласа, индамай эргаси кетавериши асабини эзғовлайди. Бу ҳам камдай у ўша йигитни севиб ҳам қолади (?) йигитчанин ўз отасига қарши чиқиб "олижаноблик" қилганию кейинчалик унинг ўзи қизга қанчадан-қанча панд бериб, ундан фойдаланиб юргани зўрма-зўрақлик асосида, сунъий уланган. Буни англаш учун эса катта аллома бўлиш шарт эмас.

Хусусий фильмларимиз сюжетларида негадир мантиққа таяниш эмас, уни инкор этиш қучли. Дейлик, "Юрак йиғлар" фильмида бир вазият борки, у томошабинларга ҳинд фильмларини эслатади. Ҳеч эътибор берганмисиз, 1995-2005 йиллар оралиғида ишланган аксар ҳинд фильмларида қахрамон

йигит бирон қизни севиб қолса, буни айтиш дугона, она ёки бирор ёши катта киши чекига тушади. Қиз ҳам аввалага, бунга бироз эътироз билдиради. Ёлғиз қолгач эса бирдан шу йигитни севишини (!?) англаб етати, қўшиқ айтиб, рақсга туша кетади. "Юрак йиғлар" фильмида ҳам худди шундай: қахрамон қиз ўзининг севилисини унутолмай юганида Али исмли бошқа йигит унинг ортидан соядек эргашади. Дастлаб, бу йигитга рўйхушлик бермаётган қиз дугонасининг қистови ва маслаҳати билан севишга (!) "қарор" қилади. Савол туғилади: муҳаббатни алмаштириш шунчалар осонми? Балки бошқа миллатларда шундайдир, аммо бу ҳолат моҳиятан ўзбек менталитетиго хос эмас.

Фильмлардаги сюжет қуриш масаласида оғриқли ҳолат — бош қахрамонни қийин вазиятга тушириш осон бўлиб қолди: у ё қутилмаган автохалокатга учрайди ёки саратон касалига чалиниб қолади. Бундай ҳолат томошабиннинг меъдасига тегиб бўлганини англаш, 2000 йилларда ўзбек киносига кириб келган бу корейс фильмлари "синдром"дан қутилиш учун миллий киносаноат ижодкорларига яна неча йил керак бўлади, билмадик...

ЯНГИ МАВЗУ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Ўтган йили ишланган фильмларда олдингиларни каби қайнона-келин можароларини деярли қузатмайсиз. Шунингдек, фарзанди мактабга таълим муассасасига бормайдиган болаларнинг ота-оналари учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этилган 5 номдаги қўлланмаларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш жараёнининг гувоҳи бўлишди. Иштирокчиларда муассасада ташкил этилган инглиз тили, тасвирий санъат, рақс тўгараклари ва жисмоний тарбия машғулоти катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Янги ўқув йилида таълим-тарбия сифатини оширишдаги устувор вазифалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Иштирокчилар дастлаб пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 426-мактабга таълим муассасасида бўлиб, бу ердаги болаларни мактабга тайёрлаш жараёни билан танишдилар. Шунингдек, фарзанди мактабга таълим муассасасига бормайдиган болаларнинг ота-оналари учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этилган 5 номдаги қўлланмаларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш жараёнининг гувоҳи бўлишди. Иштирокчиларда муассасада ташкил этилган инглиз тили, тасвирий санъат, рақс тўгараклари ва жисмоний тарбия машғулоти катта таассурот қолдирди.

Анжуман катнашчилари Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, бу ерда янги ўқув йилига тайёргарлик борасида амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Хусусан, таълим муассасасидаги чет тили кабинетлари, бошланғич синфларнинг жиҳозланиши, дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминланиши, мактабга ёш педагогларни жалб қилиш, аънавий август кенгашларини ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечак ва пойабзаллар республика кўргазмаси очилди. Тадбирда халқ таълими вазири У.Иноятов журналистларга янги ўқув йилига тайёргарлик қуриш мақсадида вазирлик амалга оширган ишлар, янги ўқув йилидаги янгиликлар, таълим муассасаларида "Бетақоримисан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!" эзгу гоёсини ўзида муҳассам этган "Мустиқиллик дарслари"ни ўтказиш, мактаб бозори ва ярмаркалари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар хусусида батафсил маълумот берди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Бахтиёр ЁҚУБОВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти докторанти, санъатшунос

Давлат дастури — амалда

Кексалар — ҳамиша эъзозда

Миллий матбуот марказида Республика Маънавият тарғибот марказининг "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг ижроси бўйича амалга ошираётган ишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида кекса авлод вакилларининг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур шароит яратиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Айниқса, Кексаларни эъзозлаш йилида ватан ва юрт равнақи йўлида камарбаста бўлган, бугун кексалик гаштини сураётган отахону онахонлар учун қўллаб-имтиёз ва қўлайликлар яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Республика Маънавият ва тарғибот маркази Давлат дастурининг ижросини самарали амалга ошириш мақсадида ўз тизимида қатор маънавий-маърифий, тарғибот ва ташвиқот тадбирларини амалга ошириб келаётир. Хусусан, мамлакатимиз таълим муассасаларидаги ўқувчилар ва талабаларнинг иборат "Нуронийлар эъзозимизда" ёшлар ҳаракати аъзолари "Ҳеч ким меҳр ва мурувватдан четда қолмайди" шиори остида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 10 мингга яқин кексаларнинг ҳолидан хабар олишди.

Ёши улуг инсонларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятлардан. Бирор иш бошладан аввал албатта, улардан маслаҳат ва дуо олинади. Кексалар дуоси билан бошланган иш эса хайрли бўлади, — дейди Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси Эргаш Даминов. — Тарғибот ва ташвиқот тадбирларимиз ҳам энг аввало, ёшларимизга ана шундай эзгу аънанани синдиришга қаратилган. Қандайдир сабаб билан кексаларнинг ҳолидан хабар олишни унутган ёшлар ана шу тадбирларимиздан сўнг яқинлари, ёши улуг инсонлардан кўнгил сўраса, ўз мақсадимизга эришган бўламан.

Марказ "Кексалар — оила чирогои" мавзусида ўқув-методик қўлланмалар, ўқув дастурларини чоп этиш учун тақлифлар ишлаб чиқиб, ҳамкор ташкилотларга юборди. Шунингдек, "Кексалар эъзозимизда", "Кексаларга меҳр-оқибатли бўлайлик", "Кексаларни эъзозланган юрт" каби мавзуларда буклетлар тайёрланиб, жойларда ўтказилаётган тадбирларда тарқатилди. Шунингдек, "Тинчлик — бебаҳо неъмат" ўқув қўлланмаси чоп этилиб, тарғиботчиларга етказилди.

Бугун юртимизда умргузаронлик қилаётган 8 мингдан зиёд 100 ёшдан ошган кексаларнинг бой ҳаётий тажрибасини ўрганиш, улар босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлидан ёшларни воқиф этиш бирламчи вазифаларимиздан биридир. — дейди Маънавият тарғибот маркази масъул ходими Ёлёр Кенжаев. — Шу мақсадда вилоят, туман ва шаҳар газеталарида "Мингта ибратли ҳаёт йўли" рўқни остида 7 ой давомидида 200 дан зиёд мақола чоп этилди. Бундан ташқари, "Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик" тарғибот материали тайёрланиб, ОАВ да чоп этилди. Бу ишлар замирида ягона эзгу мақсад — ёшларни истиқлол неъматларини асраб-авайлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни қадрлашга ўргатишдир.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Аҳмад ЮСУПОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Тадбир

Янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришмоқда

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Янги ўқув йилида таълим-тарбия сифатини оширишдаги устувор вазифалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Иштирокчилар дастлаб пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 426-мактабга таълим муассасасида бўлиб, бу ердаги болаларни мактабга тайёрлаш жараёни билан танишдилар. Шунингдек, фарзанди мактабга таълим муассасасига бормайдиган болаларнинг ота-оналари учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этилган 5 номдаги қўлланмаларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш жараёнининг гувоҳи бўлишди. Иштирокчиларда муассасада ташкил этилган инглиз тили, тасвирий санъат, рақс тўгараклари ва жисмоний тарбия машғулоти катта таассурот қолдирди.

Анжуман катнашчилари Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, бу ерда янги ўқув йилига тайёргарлик борасида амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Хусусан, таълим муассасасидаги чет тили кабинетлари, бошланғич синфларнинг жиҳозланиши, дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминланиши, мактабга ёш педагогларни жалб қилиш, аънавий август кенгашларини ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечак ва пойабзаллар республика кўргазмаси очилди. Тадбирда халқ таълими вазири У.Иноятов журналистларга янги ўқув йилига тайёргарлик қуриш мақсадида вазирлик амалга оширган ишлар, янги ўқув йилидаги янгиликлар, таълим муассасаларида "Бетақоримисан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!" эзгу гоёсини ўзида муҳассам этган "Мустиқиллик дарслари"ни ўтказиш, мактаб бозори ва ярмаркалари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар хусусида батафсил маълумот берди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Ижтимоий шериклик

Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш

мақсадида жойларда Давлат гранти голибларига сертификатлар топширилмоқда



Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда ҳудудлардаги Жамоат комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролига бағишланган амалий тадбирлар ўтказмоқда.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда сенаторлар, депутатлар, Парламент комиссияси аъзолари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда давлат бошқаруви ишларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки тобора кенгайиб, улар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишнинг ҳуқуқий-ташқилий механизмлари яратилмоқда. Бу борада Олий Мажлис палаталарининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлашнинг кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қўшма қарори муҳим аҳамият касб этаётди. Мазкур қарорга мувофиқ, мустақил, демократик тамойилларга асосланган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантириш тизими яратилди, бу борадаги вазифаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил қилинди.

Парламент комиссияси ва Жамоат фондининг фаолияти Давлат бюджетидан "учинчи сектор"ни кўллаб-қувватлашга йўналтирилган молиявий воситаларнинг янада шаффоф, очик, манзилли, энг муҳими, адо-

латли тақсимланишини таъминлашга қаратилган. Ўз навбатида, бу ННТ фаолиятининг ташқилий-техник ва иқтисодий заминини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Таҳлиллар мамлакатимизда соҳани кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, аҳоли бандлиги, маданият ва спорт, экология каби соҳалардаги давлат дастурларининг бажарилишига жалб этилган ННТнинг сони йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан шу йилнинг 1 январидан кучга кирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида янги босқични бошлаб берди. Қонунда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги шакллари ва механизми

лари белгиланди. Мазкур жараёнда томонларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Йиғилишда мазкур қонун меъёрларининг ижро этилиши ҳолати, соҳада эришилган натижалар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Шунингдек, Тошкент шаҳри, туманларнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттирган ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожлантиришга оид ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилиш юзасидан тавсиялар берилди. Бу борада мазкур соҳадаги дастур ижросининг бориши устидан жамоат назоратини амалга оширишнинг долзарб вазифаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ННТ ҳамкорлигини янада ривожлантириш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди эълон қилган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастуриде белгиланган вазифаларни амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини кенг жалб қилиш" ва "Давлат ижтимоий дастурларини амалга оширилиши, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини мустақил ОАВларда ёритишга қаратилган лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш" мавзуларидаги давлат гранти танловларининг Тошкент шаҳридаги голиблари тақдирланди. Натижаларга кўра, Парламент комиссияси пойтахтда фаолият юритувчи ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 23 лойиҳасини жами 337 миллион 857 минг сўм, давлат гранти иккинчи танлови бўйича ОАВ йўналишида 13 лойиҳани жами 195 миллион сўм миқдоридан рағбатлантирди. Маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларни давлат гранти асосида мақсадли йўналтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунга мувофиқ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар қошида тузилган ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бундай тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудда қизғин мулоқот, кўтаринкилик руҳида ўтмоқда.

У.УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Ким эдигу ким бўлдик



Кўнгли ободнинг юрти ҳам обод

истиклол манзаралари

"Оддий сартарошман. Меҳнат билан яшаймиз, ҳаётимиз камтаргина, ҳокисоргина. Буни ёдингиздан чиқарманг, болаларим."

Бир замонлар дадамнинг бизга бот-бот тақорлайдиган ўғитини яна эсладим...

Мамлакатимиз мустақилликка эришганида 67 ёшда эдингиз. Яхши эсламан, Андижоннинг "эски шаҳар"идаги сиз эллик йил ишлаган сартарошхона жойлашган кўча торгина йўларга, кичик маҳаллаларга туташган эди. Тор кўчалар, кичик маҳаллалар, пасткам уйлар... Ўзингиз айтгандай, меҳнаткашликка, камтарликка, ҳокисорликка кўнган эски шаҳар ва унинг одамлари...

Андижоннинг айнан ўша — эски шаҳар ҳудуди бугун таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Алишер Навоий номи билан аталувчи бог ёнидан бошланиб, то Олтинқул тумани чегарасигача бўлган кўча бугун Ўзбекистон деб номланган. Ишонсангиз, янги қиёфадаги бу кўчанинг очилиш маросими ҳам ўтказилди. "Ободлик кўнглидан бошланади", деган байрам — фестивал бўлди. Биз бу байрамни ўзбекининг байрами, деб яйрадик. Чунки ўша сиз яшаган, ишлаган, мустабид даврда йўллаб бир хил қиёфада турган эски шаҳарда янги "Ободлик байрами" бўлди. Чиндан ободлик кўнглидан бошланишига ўша кўча барча амин бўлди.

Ўзбекистонимиз мустақил бўлганига 24 йил тўлди, дадажон. Сиз кўнган йиллардаги қараганда ўн, хатто юз баравар кўпроқ ўзаришлар рўй берди. Янги пайдо бўлган биргина Ўзбекистон кўчасини оилалик. Катта укам Бахтиёржон Рўзиев шу кўчада яшайпти. Унинг хонадони ертўлани қўшиб санасангиз тўрт қаватли. Биноси кўчага хол бўлиб тушган дёвлайман. Чунки бу кўчадаги барча иморат шундай кўркам ва ҳашаматли. Тўғри, битта оилага тўрт қаватли иморат кўп. Лекин вилоят ҳокимлигининг тақлиф-режаси билан иморатнинг уч қаватда тадбиркорлик ишлари амалга оширилмоқда. Дастлабки қаватда бир кунда 60 мижозга хизмат кўрсатадиган соғломлаштириш маркази жойлашган. У ерга ўттизга яқин махсус спорт жиҳозлари ўрна-тилди. Ҳаммаси замонавий. Кейинги қаватда электр ва маиший техника моллари дўкони жойлашган. Учинчи қават чевар неварангиз Машураҳоннинг тикувчилик ательеси бўлди. Машура жияним мижозларга кийим тикиб ҳам даромад топапти, ҳам шогирд тайёрлаб, сиз каби элнинг дуосини олаётди.

Энг тепа қават укамиз оиласининг яшаш жойи. Бу ерда болалар хонаси, ётоқ бўлмаси, ошхона, меҳмонхона бор. Жиҳозларнинг бари янги, бари замонавий. Сиз яхши яшаш ҳақида кўп орзу қилар эдингиз, дада. Бугун укамизнинг хонадониде бўлсангиз, албатта, яйраб, шукур қилиб, дуога кўл очардингиз. Ўзбекистон кўчасида ўлгингиз каби 115 тадбиркорнинг иморати қад кўтарди. Шундай гўзал, шинам маҳалла бўлдики, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги энг зўр кўчалардан қолишмайди. Кейинги олти-етти йилдаги ўзгаришлардан аҳолининг ўзи ҳам хурсанд.

ЎзМТДПнинг Андижонда ўтказилган уч кунлик республика миқёсидаги ўқув-семинари шу кўчага чирой бўлиб тушган "Ҳамкор" бизнес-марказида ўтказилди. Семинар иштирокчилари марказнинг олий даражадаги меҳмонхонасига жойлашди. Ўқув-семинарлар унинг кенг, ёруғ мажлислар элида ўтди. Мен ҳам бу анжуманда иштирок этиб, меҳмонларга шахримизнинг янгидан чирой очган кўрк-латофатини кўз-кўзларканман, ҳам ғурурландим, ҳам яйрадим. Кўнган кўз қувоняпти. Дилдан ўтгани тилга кўчаркан.

Мамлакатимиз раҳбари Андижонга ташрифи чоғида айнан шу кўчада туриб: "Дафъатан ўйлиниб қолсан одам, мен ҳозир Андижоннингми ёки Европанинг мана-ман деган кўчаларидан бирида турибманми," дея, ҳамшаҳарларимизнинг уюшқоқлик билан амалга оширишга бу хайрли ишларидан мамнуңлигини ихзор этгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлаганини эсласам, ҳали-ҳануз тўлқинланиб кетаман.

Ҳукуматимиз бу саъй-ҳаракатларни кўллаб-қувватлаб, навбатдаги хайрли ишлар учун ўшанда 1 триллион 696 миллиард сўм маблағ ажратди. Фақат Андижон шаҳригина эмас, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида шундай миллий уйғониш, янгилини зухур бўлди. Ортимизнинг чирой очмаган кўча ва маҳалласи қолмади ҳисоб. Ана шундай вақтлар кўнглидан яққаб бир савол ўтади: "Ким эдигу ким бўлдик?". Бир пайтлар мустабидлик ичра айтаримизни айтолмай, олис марказнинг ҳар бир бўйруғига кўниб, Ўзбекистон фақат пахта ҳамашёсини етиштириб берувчи юрт, аҳолиси эса

ўзининг ҳаминқадар ҳаётдан нолишга ҳаққи йўқ, имконсиз кимсалар бўлган бўлса, бугун озод ва обод юртда эркин яшаётган, бунёдкорликка қодир, дунё айвонида ўз номини айтиб яшашга муносиб халқ бўлдик.

Мавзуга қайтакўлай. Минг-мингга юртдошларимиз ясан-тусан билан иштирок этган "Ободлик кўнглидан бошланади" байрамига пойтахт Тошкентдан, қўшни вилоятлардан санъаткорлар, шoir-ёзувчилар, рассом ҳунармандлар ҳам тақлиф этилди. Расмий маросим ўтгандан сўнг, меҳмонлар Андижоннинг ўз автомобиль заводидан чиққан турли русумдаги янги машиналарда "Боғи Бобур"га юз бурдилар. Боғишамол адирлигидаги бу масканда жуда катта сайил бўлди.

Сиз ёқтиргандай ёғоч сўриларда ўтириб ҳордиқ чиқаришди. Ажаб аския пайровлари янграб, одамлар дилидаги шодлик юз-кўзлардаги табассумга эврилди. Қўшиқлар рақсларга уланди. Ўзбекча палов пишариш баҳси ўтказилди. Биласиз-ку, андижонликман дегани девзира гуруннинг ошини қойиллатиб қўяди. Лаъли лаганларда сўриларга ош тортилди. Ҳар бир лагандаги ош ўзига хос. Бирни думба ёғу кичимани, бири нўхат солиниб юзига беҳи босилган, яна бири... Хўллас тўқинликнинг, тўқисликнинг турфа кўриниши намоеён. Ўзимиз ўзбекининг ерида пишмайдиган мева йўқ-да. Ўзбекистон Худо назар қилган юрт эканини англаш учун шу биргина дастурхонга боқиш kifоя экан...

Тинч-осойишта мамлакатка байрамлар, шодиялар ярашади. Тинчлик барқарор юртдагина фаровонлик бўлади.

Сиз доим дуода энг аввал юртга тинчлик сўрардингиз. Тинчликда гап кўп экан. Ўртимиздаги бу байрамлар аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг юксалиши — барчабарчаси тинчлик туфайлидир.

тиник, юртга муҳаббати баяндоғитлар ҳимоясида бўлган Ватанга ҳеч ким дахл қилмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Ватан тинчлиги эса элни янада фаровон этаверади.

"Сиз меҳнаткашлик ёрлигим, ҳокисорлик ёзим", деган гапни кўпишлардингиз. Ҳозир бу ақида ўзгарган. Юртбошимизнинг "бировага қарам бўлмаган, бировдан кам бўлмаган мустақил юртнинг меҳнаткаш фуқароси яхши яшайди, фаровон яшайди шарт" деган ҳикматлари ҳаётимизга кўчмоқда.

Дарвоқе, ҳали айтганим "Ободлик байрами"да "Боғи Бобур"даги катта санъат ва аския сайиллари тугагандан кейин меҳмонлар билан ҳазрат Навоий номидаги истироҳат боғига кўрк бўлиб тушган ажиб гўзал амфитеатрга катта байрам концерти учун қайтидик. Сиз гўзалликни, кўнгли ёзиб қўшиқ эшитишни яхши кўрардингиз.

Катта концерт олдиндан вилоят раҳбари бугунги ободлик байрами билан ҳаммани табриклаб, "Ўзбекистон кўчасидаги энг гўзал иморат" танлови голибларини эълон қилди. Ҳамма ҳаяжонда... Айтсам ишонмайсиз, укам — "Бобур — 88" хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёржон Рўзиев кўнган иморат биринчи ўринга лойиқ топилди. Шу ернинг ўзида катта муқофот, тадбиркорлик ишлари учун бир қанча имтиёзлар битилган сертификат берилди унга.

Кўнганми фақат шулар эмас. Сиз доим тақорлагандай, аёл учун унинг келин бўлиб тушган юрти Ватан саналса, Андижоннинг Олтинқул тумани мен учун шундай Ватан. Аммо... меннинг шаҳардан Олтинқул қишлоғига келин бўлганим ўшанда сизга ҳам, раҳматли онажонимга ҳам унча маъқул келмаган. Сабаби, мен келин бўлиб тушган йилларда Олтинқул одамлари фақат пахта этиштириб, чорва боқиш билан шуғулланадиган, яшаш тарзи анча қолоқ эди. Кўчаларимиз қишда лой, ёзда чанг бўларди. Кўнгансиз, мен тушган ҳовлининг шундоқ ёнгинан пахта даласи эди. Ҳўзлаб бойлашларидан иборат четан девор билан ўралган ҳовлимизда гувалак деворли икки хона пасткам уй бор эди, холос. Ҳар гал бизникига бирор маърака-маросимга келганингизда "пешонанинг курсин, қизим", деган гап кўнглингиздан ўтгандир балки.

Ҳозир эса... қани энди сиз ҳам, онажоним ҳам ҳаёт бўлсангиз-у, истиқлол йилларида чирой очган, шаҳардан қолишмайдиган даражада обод бўлиб кетган қишлоғимизни кўрсангиз, аминман, "бахтингда айланай", деб юборардингиз. Олтинқул туманининг марказий кўчаси ҳам худди Андижоннинг Ўзбекистон кўчасидай қатарасига кўп қаватли ишоотлар билан тўлган. Президентимизнинг ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган янги уйлар, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасида қишлоғимиз замонавий қиёфа касб этди. Биз ҳам кенжа ўғлимнинг оиласи билан кўркам кotteжда яшаймиз.

Олти сотихли ҳовли, беш хонали уй, гаражи, хатто омборхоналарим бор. Илгари олис ва чекка ҳудуд ҳисобланган қишлоғимиздаги шароит ва қулайликлар шаҳарниқидан асло қолишмайди. Энг муҳими, биз бу чиройли



...Ёдимда укам Бахтиёржон ўтган асрнинг 80-йилларида ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтатган эди. Жуда узоқ вақт укамдан хат-хабар келмади, узоқ-юлук бўлса-да у ерларда қонли воқеаларнинг эшитган онажонимнинг сочи бир кечада оқариб кетгани рост. Ўшанда укам билан тенгқур қанчадан-қанча ёш йигитлар мақсадсиз урушда ҳалок бўлганди. Улар мустабид тузум қурбонлари эди. Бугун ҳам ер кўррасининг қанча мамлакатиде нотинчлик, қиргин-барот бўляпти. Демак, яна қанчалар оналар жигарбандларидан айрилмоқда. Шуларни ўйлаганда, Ўзбекистондаги тинчликнинг қадри янаям баяндоқ кўрилади, дада.

Тўғри, ҳарбий хизматда бўлиш ҳар бир йигит учун бурч. Аммо бу ўз Ватани, унинг мудофаси учун бўлгандагина шон-шараф ишига айланади ўзимиздан қиёс. Уч ўғлим — невараларингиз ҳам ҳарбий хизматда бўлиб қайтди. Уларнинг — "қасамёд анжуманлари"да иштирок этиш учун бориб келдик ҳам. Жуда тантанали маросим бўлди. Фарзандларимнинг мард йигитлар сафида туриб, улуг Ўзбекистонимиз ҳимояси, юртга хизмат қилиш, халқимиз тинчлигини таъминлаш учун ҳаммиса тайёр эканликларини ҳақиқатан ёвқур, жарангдор қасамёдини эшитиб, юрагим тўлқинланди, ғурурландим кетдим.

Уларнинг ҳарбий хизматдаги яшаш шароитлари билан танишган ҳар бир она хурсанд бўлди. Айниқса, аскар йигитларнинг маънавий дунёқарашларини янада кенгайтириш учун алоҳида шароитлар яратилган экан. Кутубхоналар, ҳаваскорлик санъати тўғрақлари, илмий-ўқув хоналари, турли қўрик-танловларнинг ўтказилиши... Ҳарбий йигитларнинг бу шароитда чинакам ортирарвар ҳимоячи бўлиб етишиши табиий. Бундай алпкелбат, фикри

иморатни қуриш учун қум-тошга беланмадик. Қурилиш материаллари ё уста қидириб сарсон бўлмадик. Бу уйлар "Қишлоққурилишбанк" берган имтиёзли кредит эвазига ҳукумат режаси асосида қурилди. Кредит маблағини тўлашимиз учун 15 йил фурсат ҳам берилди.

Мустақиллигимизнинг илк кўнларида эълон қилинган миллий ғоядаги "Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги" деган иборалар шунчаки сўз эмас, амалиётдаги ҳаракат бўлди. Ким эдигу ким бўлдик, деган саволга бир пайтлардагидек кимгадир қарам эмас, ақсинча равнақ топаётган Ватанда фаровон яшаётган халқ бўлдик, деб бемалол айта оламиз.

Демак, бугунимиз кечагидан обод, эртанимиз бугунгидан да фаровон бўлади.

...Яна бир қувончм шухи, ўша кунда "Ободлик байрами"да вилоят бўйича ободончилик соҳасидаги 1-даражали диплом Олтинқул тумани аҳолисида берилди. Ўйласам, ҳурликда, эркин меҳнатда гап кўп экан, инсон ўз меҳнатининг самарасини кўрса, унинг қувонч қанчалар тўлроқ бўларкан. Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимовда ўша байрам сайлида шундай деганди: "Юрт тинч бўлса кўнгли обод бўларкан. Кўнгли ободнинг юрти обод бўларкан..."

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият даражасига кўтарадиган олижаноб ғоянинг амалдаги ифодасини кўриб, тўлқинланиб шуларни ёзим келди:

Мамлакатимизда ҳукм сўраётган тинчлик-осойишталикка, ҳамжиҳатлик муҳитига, эришилган ютуқларга бутун дунё ҳавас қилмоқда!

Заммира РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Обод юрт

Бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари

бугун юртимизнинг барча гўшасида давом этаётди

Самарқанд — юртимизнинг энг қадимий шаҳарларидан. Истиклол йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар замонавий қиёфа касб этиб, янада кўркамлашди. Шаҳарда муҳташам ишоотлар, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт масканлари, мактаблар, маданият саройлари, спорт мажмуалари, истироҳат боғлари барпо этилаётди.

Хусусан, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси тақдим этган маълумотларга кўра, вилоятда биргина жорий йилда еттига янги умумтаълим мактаби қурилди, 44 таси қайта реконструкция, 5 таси эса капитал таъмирланди. 9 соғлиқни сақлаш объекти, 16 касб-ҳунар коллежиде реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 40 умумтаълим мактабиде спорт зали қурилди. Тез орада яна бир неча умумтаълим мактабиде спорт зали, музика ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузиш ҳавзаси қуриб фойдаланишга топширилди.

Самарқанд шаҳрининг Даҳбед кўчасида вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази қурилди. Тендер баҳоси 4 миллиард 274 миллион сўм бўлган ушбу объектдаги қурилиш ишларини "Толиб бобо АКТ" хусусий корхонаси қурувчилари амалга оширди. "4-сонли МКК" масъулияти чекланган жамият қурувчилари 200 ўринли вилоят рўхий касаликлар шифохонасининг даволаш бўлимида капитал таъмирлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли уддалади.

— Янги ўқув йилини замонавий жиҳозланган таълим масканида бошлаймиз, — дейди 140-умумтаълим мактаби директори Юлдузой Худой-

бердиева. — Бундан қишлоқ аҳолиси бениҳоя хурсанд. Бунинг учун ҳукуматимиз ва барча қурувчилардан миннатдоримиз.

Шу ўринда улуғвор қошоналар бунёд этаётган қўнгул уста-дурдгорлар, ганчкорлар, ёғоч ўймакорлари меҳнатини ҳам алоҳида эътироф этмоқ жоиз. "Шунқор Аҳмедов" ва "Қўнғирот меъмор" каби хусусий корхоналар моҳир қурувчилари меҳнати бунга аяқол мисол бўла олади.

— "Шарқ тароналари" X халқаро фестивалига оз фурсат қолди, — дейди "Шунқор Аҳмедов" хусусий корхонаси раҳбари Баҳриддин Сулаймонов. — Қурилиш ишларида ҳам тезкорлик, ҳам сифатга алоҳида эътибор қаратдик. Асосий мақсадимиз — ҳудуднинг обод ва кўркам бўлиши, бу ерга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонларнинг кўҳна ва навқирон Самарқанд ҳақидаги тасаввурларини янада бойитишдир.

Яқинда Самарқанд шаҳридаги Молия коллежининг қўшимча спорт зали, Пайриқў туманидаги 49-умумтаълим мактабининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларини амалга оширишда "Сам Механик кўча карвон", "Қудрат-МФЙ" МЧЖ, жамоалари муносиб ҳисса қўшди. "Жайхўн" МЧЖ қурилиш корхонаси шаҳардаги Автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи биноси ҳамда спорт залини қуриб фойдаланишга топширди. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида кўп қаватли уй-жойлар, санъат масканлари бунёд этилди. Айни пайтда шаҳарнинг Рудакий кўчасида улкан қурилиш ишлари давом этмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари туфайли барча шаҳар ва туман, хатто, чекка қишлоқларга қундан-кун чирой очиб бораётди. Бу эса юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Индонезия сиёсий партиялари

ислохотлар жараёнида фаол ва ташаббускор



Индонезия Жануби-шарқий Осиёдаги Малай архипелаги ва Янги Гвинея ороли гарбий қисмидаги 17 мингдан зиёд оролни бирлаштирган мамлакат. Аҳолиси 245 миллион киши, пойтахти — Жакарта. Мамлакат ўттиз иккита вилоят ҳамда вилоятга тенглаштирилган икки ҳудуддан таркиб топган. Давлат бошлиғи — Президент. Мамлакатнинг асосий қонуни — Конституция 1945 йилда қабул қилинган. Давлат ҳокимиятининг олий органи — Халқ маслаҳат конгресси (парламенти) икки палата (Халқ вакиллари ҳамда Минтақалар вакиллари кенгаши)дан иборат. Парламент сессиялари кўли билан беш йилда бир марта чақирилади.

Сессиялар одатда мамлакат Президенти ҳамда вице-президенти ишга киришиши муносабати билан ҳамда давлат раҳбарининг яқин беш йилдаги истиқболдаги режаларини тасдиқлаш мақсадида чақирилади. Сессиялар оралиғи вақтида қонун қабул қилиши билан Халқ вакиллари кенгаши шуғулланади. Қолаверса, мазкур палата қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, қонунлар ижросини назорат қилиш, йиллик давлат бюджетини тасдиқлаш ҳамда халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш ваколатларига эга. Халқ вакиллари кенгаши депутатлари умумхалқ сайловлари асосида беш йил муддатга сайланади. Айна пайтда мазкур палатада 560 депутат 10 фракцияга бўлинган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Минтақалар вакиллари кенгаши мамлакат Конституциясига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, 132 аъзодан иборат. Мамлакат Конституциясига кўра, Минтақалар вакиллари кенгашига ҳар бир ҳудуддан тўрттадан депутат

сайланиши белгилаб қўйилган. Унга кўра, Минтақалар вакиллари кенгаши аъзолари мамлакатдаги вилоятлар ҳамда вилоятга тенглаштирилган маъмурий-ҳудудий бирликларидан тенг миқдорда — 4 вакилдан иборат қилиб шакллантирилади. Бироқ Минтақалар вакиллари кенгаши Халқ вакиллари кенгашига нисбатан камроқ ваколатларга эга. Унинг ваколатига мамлакат маъмурий-ҳудудий тузилиши, минтақавий ўзини-ўзи бошқариш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш масаласига доир қонунларни қабул қилиш кирди.

Индонезия кўппартиявий мамлакат бўлиб, айна кунда Демократлар, "Голкар", Индонезия демократик кураш, Адолат ва фаровонлик, Миллий мандат, Бирлик ва тараққиёт, Миллий уйғониш, Буюк Индонезия учун, Халқ умидлари каби 70 дан ортқ сиёсий партия Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилган. Мамлакатда 2008 йилнинг январь ойида "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонун қабул қилинган бўлиб, 2011 йилда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Мазкур қонунга биноан, сиёсий партиялар мамлакатда ягона ғоя атрофида бирлашган ўттиз нафар фуқаролар ташаббуси билан тузилиши мумкин. Партия тузиш ташаббусини илгари сурадиган фуқароларнинг камиди 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши шарт. Партия Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилиши ҳамда ўз фаолиятига киришишдан олдин мамлакатнинг ҳар бир ҳудудий бирлигидан тузилган аъзолар рўйхатини тақдим этиши лозим.

Индонезия демократик кураш партияси 2014 йилнинг 9 апрелида ўтказилган парламент сайловида энг кўп — 124,97 миллион сайловчининг 18,95 фоиз овозини тўплаб, парламентда 109 ўринни қўлга киритди. Бу беш йил олдинги сайловдагига нисбатан 5 фоиз кўп овоз демакдир. "Голкар" партияси 91 ўрин билан иккинчи, Буюк Индонезия учун партияси эса 73 ўрин билан учинчи ўринни қўлга киритди.

Мамлакатда Буюк Индонезия учун ва Индонезия демократик кураш партияларининг нуфузи анча юқори. Аслида бу иккала партиянинг дастури муштарак бўлиб, улар мамлакатдаги табиий ресурсларни ўзлаштириш билан шуғулланаётган хориж компаниялари ишини жиддий назорат остига олиш, тозаланмаган фойдали қазилмаларни мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқишни тақиқлаш, чет эл банклари фаолиятини чеклаш масаласини илгари суриб келмоқда. Иккала партия вакиллари Индонезияда қашшоқлар сонини кескин камайтириш масаласи устида ҳамфикр иш олиб бормоқда.

Демократик кураш партияси аҳолининг қашшоқ қатламини муҳофаза қилиш, уларга субсидия ажратиш, солиқ соҳасида имтиёзлар белгилаш, энг кам иш ҳақи олаётганларнинг маошини ошириш масаласи устида иш олиб боради. Қолаверса, етакчи партия биринчи навбатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини четдан сотиб олиш тажрибасига чек қўйиш ва шунга ўхшаш қатор муаммоларни ечишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Партия раҳбарлари мамлакатдаги етакчи ишбилармон доира вакиллари билан учрашар экан, ёқилғимойлаш материаллари учун давлат томонидан ажратилаётган субсидиядан воз кечиб, ана шу маблағни инфратузилма тармоқларини ривожлантиришга сарфлашлари билан боғлиқ ташаббусларни илгари сурган. Шунингдек, таълим соҳасини ривожлантириш орқали малакали мутахассисларни тайёрлаш, энергетика соҳасини янада ривожлантириш вазибалари ҳам партиянинг асосий мақсадларидан.

Буюк Индонезия учун партияси Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ҳар қандай алоқаларни тўхтатиш, саноатнинг барча тармоғига ажратилаётган давлат инвестицияси ҳажминини ошириш тарафдори. Бугун аҳолининг 60 фоизи мазкур соҳада меҳнат қилиб келмоқда. Шу боис,

партия қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаётир. Партия сайловолди жараёнлари пайтида аграр соҳага давлат ажратиб келаётган маблағни 3 фоиздан 10 фоизгача оширишни ваъда қилгани ҳам бежиз эмас.

Халқ вакиллари кенгаши Парламентларо иттифоқи, Осиё парламентлари ассамблеяси, Осиё-Тинч океани парламенти форуми, АСЕАН парламентларо ташкилоти билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Коррупцияга қарши кураш борасида тўпланган Индонезия тажрибаси кўп жойларда кенг қўлланилмоқда. Мамлакатда мазкур иллатга қарши кураш олиб бораётган махсус комиссия 2003 йил 29 декабрдан буён юздан зиёд юқори лавозимли мансабдор шахслар устидан жиноий иш қўзғади. Шулардан 17 нафари парламент аъзоларидир. Махсус комиссия ваколати тўрт йил этиб белгиланган.

Индонезия Ўзбекистонинг Жануби-шарқий Осиёдаги муҳим ва истиқболли шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўзаро савдонини ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш соҳаларида улкан имкониятларга эга. Шу йилнинг май ойида Ўзбекистонга Индонезия республикаси парламенти Минтақалар вакиллари кенгаши раиси Ирман Гусман бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф буюрди. Меҳмонлар Олий Мажлис Сенатида ҳам бўлдилар. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Учрашувда томонлар парламентларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилди. Меҳмонлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, парламент ваколатларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самараларига юксак баҳо берди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Айтиш жоиз, икки давлат ўртасида илм-фан ва маданият соҳаларида ҳам алоқалар мустаҳкамланиб бораётир. Шу кунга келиб, Индонезиядаги олий ўқув юртларининг магистратура босқичида тахсил олган ўзбекистонликлар сони 129 нафарга етди. Шу йилнинг августида ҳамюртларимиздан яна 29 нафари вулклар ва ороллар давлатига йўл олади. Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, Самарқанд давлат чет тиллар институтида индонез тилини ўргатиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Самарқанд ва Банда-Ачех биродарлашган шаҳарлардир.

Индонезия 17 август куни мамлакат мустақиллигининг 70 йиллигини нишонлайди.

Азимжон Пўлатов

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Қадимий даврга оид топилма — Брюсселлда

Брюсселл шаҳрининг шимолида янги бионинг пойдеворини куриш жараёнида Рим империяси даврига оид турар жой қолдиқлари топилди.

Маълумотларга кўра, топилган гишт, сопол бўлақлари эрамининг II ёки III асрларига оиддир. Айна пайтда курилиш ишлари тўхтатилган, археолог олимлар мазкур топилмани ўрганиш ишларини олиб боришмоқда.

Дарвоқе, археологлар Брюсселл шаҳридан Рим империясига оид қолдиқларни биринчи бор топишгани йўқ. Чунки бундан аввал ҳам шаҳар биржаси биноси остидан ўша даврга оид ер ости музейи топилган эди.

"Сумкадаги машина"

Япониялик муҳандис Кунаико Сайто ихтироси асосида ҳажми планшет каби келадиган шахсий транспорт воситаси ишлаб чиқилди. Ихтирочининг айтишича, бу сумкада олиб юриладиган илк машинадир.

Мазкур WalkCar қурилмасининг ташқи курилиши планшетга эслатади. У литийий батарея воситасида ишлайди. Вазни турига қараб 2-3 килограммини ташкил этади. Қурилма 120 килограммгача юкни кўтара олади.

Сайтонинг сўзларига кўра, одамлар ундан нафақат ўзлари ҳаракатланиши, балки юк ташини учун ҳам фойдаланиши мумкин. Ҳозирча унинг энг юқори тезлиги — 10 км/соат. Қурилма уч соат қувват олгач, 12 километргача юра олади. WalkCar автоматик тарзда ишлайди: одам унинг устига чиқиши билан ҳаракатга келади, тушиши билан тўхтади. Уни бошқариш учун у ёки бу томонга буриلسа, кифоя.

Мазкур "транспорт воситаси"га шу йилнинг кузидан бошлаб буюртма бериш мумкин, 2016 йилнинг баҳоридан эса ағаларига етказиб берилади. Унинг нархи — 800 доллар атрофида бўлиши айтилмоқда.

Сув тошқини

Мьянмада юзага келган сув тошқинлари оқибатида қурбон бўлганлар сони 100 нафардан ошди. Бу ҳақда ҳукумат нашри — "Global new light of Myanmar" хабар берган.

Манбада айтилишича, табиий офат туфайли бир миллиондан зиёд киши азият чекмоқда. Ижтимоий ёрдам ва таъминот вазирлиги маълумотларига кўра, сув тошқинида мамлакатнинг деярли барча ҳудуди зиён кўрган. Айниқса, гарбий Рахкайн штатида қурбонлар сони энг кўп қайд этилган.

Қарийб бир ойдан буён тинимсиз ёғаётган ёмғир туфайли ўн минглаб ўй сув остида қолган. Дарё сувлари ёки сел оқими шу вақтга қадар 3 мингга яқин мактабни буткул вайрон қилган ёки вақтинчалик ишдан чиқарган. Айна пайтда Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари Мьянмага дори воситалари, озик-овқат ва бошқа зарур махсулот, буюмлардан иборат инсонпарварлик юкларини жўнатмоқда.

Интернет материаллари асосида А.ЮСУПОВ тайёрлади

Рангин дунё

Дунёда сахро ва чўллар кўп. Аммо уларнинг ичиди энг йириги — Сахрои Кабир. Шимолий Африкада жойлашган бу сахро ғарбдан шарққа 4800 километр, шимолдан жанубга 1200 километргача чўзилган. Умумий майдони тахминан 8,6 миллион квадрат километр бўлиб, Африканинг 30 фоиз ҳудудини эгаллайди. Майдонининг катталиги боис, уни "Сахрои Кабир", ("катта сахро") ёки "сахролар қироли" деб аташади.

Сахрои Кабир Африкадаги 10 давлат ҳудудини қисман ёки бутунлай қамраб олади. Сахронинг катта қисмида одам умуман яшамайди. Мавжуд аҳоли доим бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради, ўтроқ турмуш тарзи фақат воҳалар доирасида мавжуд.


Илмий тадқиқотлар натижасида Сахрои Кабир бундан 2700 йил олдин иклимининг аста-секин ўзгариши натижасида чўлга айлангани аниқланган. Геологик жиҳатдан Сахрои Кабир қадимий Африка платформасида жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерда нефть, табиий газ, темир рудаси, мис, оltин, вольфрам, уран ва бошқа нодир металллар конлари мавжуд.

Сахрои Кабирнинг ландшафти жуда хилма-хил. Ҳудудининг

катта қисмини (70 фоиз) ўртача баландлиги 500 метр, қирғоқбўйи ҳудудларидан — 200 метр бўлган текис тошлоқ ва қумлоқ майдон эгаллайди. Марказий қисмида Тибеси ва Ахаггар тоғлари қад кўтарган. Бундан ташқари ҳудудда кўплаб унча чуқур бўлмаган шўрхоқ хавзалар ва ботиқлар мавжуд, уларда воҳалар учрайди. Сахронинг энг паст нуқтаси — Каттара ботиғи денгиз сатҳидан 133 метр пастда жойлашган.

Кўмили чўллар Сахрои Кабирнинг чорак қисмини эгаллайди. Кўндаланг, эҳромсимон ва ўроқсимон барханларнинг баландлиги 150, баъзида 200-300 метргача етади. Жазоир чўл минтақасидаги Исоуан Тифернайн кумтепаларининг узунлиги — 5 километргача, баландлиги

Сахрои Кабир: куш учса қаноти...



— 465 метргача етиши мумкин. Сахрои Кабирда кўчиб юрвучи "куйловчи қумлар" ҳам мавжуд. Бир неча дарё Сахрои Кабир ҳудудидан бошланиб, бу ердаги ер ости ва усти сув захираларини таъминлайди. Нил — Сахродан доимий равишда оқиб ўтадиган ягона дарё. Жанубда бир неча дарёлар Чад қўлига қуйилади, Сахронинг жануби-ғарбидан эса Нигер дарёси оқиб

ўтади. Сахронинг шимолий қисмини сув билан қирғоқ бўйларидаги баландликлардан оқиб тушувчи дарё ва қуриб қолувчи жилғалар таъминлайди. Сахрои Кабирнинг қумлари остида ер ости, шу жумладан, артезиан сувининг улкан захиралари аниқланган. Сахрода жойлашган мамлакатлар ер ости сувларидан сунъий суғориш мақсадида кенг фойдаланишади.

Сахрои Кабирнинг ўсимлик дунёси анчагина гариб. Сахро флораси вакиллари кам ёғинли шароитга мослашган. Уларнинг илдици ер остига 15-20 метргача ўсган, ўтларнинг кўпчилиги — эфемерлар бўлиб, ёмғирдан кейин уч кун ичиди гуллаб, уруғлашга улгуради. Воҳалар атрофида ўт, бута ва дарактлар қалин. Ботиқлардаги шўрхоқларда тузга чидамли галофит ўсимликлар ўсади. Қатор минтақаларда ўсимликлар умуман йўқ.

Сахрои Кабирда 4 мингдан ортқ хайвон турлари учрайди. Сахрога хос хайвонлар, асо-

сан, унинг марказий қисмидаги тоғларда яшайди. Хайвонларнинг аксарияти тунги ҳаёт тарзига эга.

Сахрои Кабир ҳудудининг катталиги бўйича Бразилияга тенг келса-да, бироқ бу ерда бор-йўғи 2,5 миллион киши истиқомат қилади. Аҳолининг зичлиги 1 квадрат километрга 0,4 кишини ташкил этади. Сахродаги аҳоли пунктлари фақат барқарор сув манбалари ва чорва молларини боқиш учун ўсимлик мавжуд бўлган ерларда жойлашган, катта ҳудудда аҳоли умуман яшамайди. Ўрта асрларда Атлантика океани ва Ўрта ер денгизи қирғоқларидаги йирик шаҳарлар ўртасидаги савдо қарвонларининг йўллари Сахрои Кабир орқали ўтиб, уларнинг йўналиши бир неча марта ўзгарган. Жумладан, XI асргача асосий савдо йўллари Гана, XII асрдан бошлаб Мали орқали ўтган. Малидан қазиб олинган олтин, шунингдек, мўйна ва туяқуш патлари шу йўл билан Яқин Шарққа, баъзида Европа бозорларига етказилган.

Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ,
"Milliy tiklanish" муҳбири

Табиат тилсимлари

Она юртимиз нафақат тарихий обидалар, муқаддас зиёратгоҳ ва қадим-жолар, балки бой табиат оламига ҳам эга. Бундай ноёб ва беқиёс масканлар халқимизнинг бебаҳо мероси сифатида асраб-авайланмоқда. Навоий вилоятидаги тошўрмонни чинакам табиат мўъжизаси, деб аташ мумкин.

“Тош ўрмон”

бағридаги сир-синаотлар



Вилоятда бугунги кунда 500 га яқин археологик, 300 дан зиёд меъморчилик ёдгорликлари рўйхатга олинган. Қўҳна Сангижумондаги сеҳрли тошлар, Сармишсойдаги ноёб суратлар, Нурота чашмаси, Буюк Ипак йўлида жойлашган Сардоба, Работи Малик мажмуаси ана шулар жумласидандир.

Ўттиз миллион гектар майдонда ястаниб ётган Қизилкум саҳроси ўзига хос флора ва фаунасига эга. У ўзининг ўта қуруқ жазирага иссиғи билан ажралиб туради. Шунга қарамай жозибдор ва ранг-баранг ландшафти билан диққатга сазовор: ҳам тупроқли, ҳам лойли тепаликлар, беповён қумлоқ текисликлар, ойнадек силлик, метиндек қаттиқ тақир ерлари, унча баланд бўлмаган қояли тоғлари, минерал манбалари, саксовул ўрмонлари, тоғ жинслари ҳамда мўъжизакор қўллари билан ҳар қандай табиат шайдосини ҳайратга солиши

шубҳасиз. Афсоналарда тасвирлангандек, “Қуш унча қаноти, одам юрса оёғи қуядиган” саҳро ана шундай мўъжизаларга эга. Унда олис ўтмишнинг ўчмас излари — мўъжизалари ҳамон сақланиб қолган.

Учқудук туманининг Мингбулоқ қишлоғидан 30 километр олинган жойлашган Жарақудук дарасидаги “Тош ўрмон” деб аталувчи ноёб геологик, полеонтологик, тарихий ва табиий объект дунё олимларини ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда. Мутахассис-олимлар уни бундан 70 миллион йил аввал пайдо бўлганини тахмин қилаётди. Калифорниялик палеонтолог олим, профессор Жеймс Дэ-

вид Арчибалд бошчилик қилган Ўзбекистон, Россия, Буюк Британия, Америка ва Канада олимлари ҳамкорлигидаги халқаро экспедиция изланишлари натижаси ўлароқ кенг омма Қизилкумнинг бундай ноёб мўъжизаси тўғрисида ҳам хабардор, ҳам муайян маълумотга эга бўлди.


Бу “Тош ўрмон” Тетис денгизи қирғоғига келиб тушган метеорит қолдиқлари бўлиши мумкин, деган тахминлар ҳам мавжуд. “Тош ўрмон”да тош қотган чиганоқлар, ақула тишлари ва суяклар, дархат танаси ва меваларини, ҳатто ўрдакбурун динозаврининг тошга айланган болдир суякларини ҳам кўриш мумкин. Буларнинг барчаси қачонлардир Қизилкум ўрнида улкан уммон бўлганлигидан далолат беради.

Хали тўлиқ ўрганилмаган бу маскани кенгроқ илмий тадқиқ этиш, экотуризм манзилларидан бирига айлантириш мақсадида Навоий вилоятида 2014-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Дастури доирасида “Учқудук туман Жарақудук худудидаги тошўрмоннинг муҳофазасини ташкил этиш ва уни туман тарихий — ўлкашунослик музейи филиалига айлантириш” юзасидан тегишли ташкилот ва

мўъжизавий хусусияти — тебранувчанлиги. Харсангтош шунчалик енгил тебраниб турадики, уни ҳатто ёш бола ҳам бемалол ўрнидан қимирлата олади. Бу дарада яна 100 дан ортиқ турли кўринишдаги ноёб тошлар мавжуд. “Чилдирма”, “Кабутар”, “Қизил эгар”, “Тегиримон”, “Кобра” деб номланувчи тошлар ана шулар жумласидандир. Сангижумон дараси кўккам келиши билан ўзгача гўзаллик касб этади. Тошдан-тошга уриллаётган тоғ суварининг қумушсимон томчилари кўзни қувонтиради. Тошлар табиатга, табиат тошларга жозиб ва мафтункорлик бағишлайди.

Юртимизда бундай табиат мўъжизалари жуда кўп учрайди. Улар мамлакатимиз аҳолиси ва сайёҳларни ўзига чорлаши, пировардида экотуризмни кенг ривожлантиришда муҳим восита бўла олади. Бу ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар билан ҳамроҳанга ва уйғун. Чунки партия сайловолди Платформасида алоҳида кўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турлари, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитни яратиш устувор вазифа саналади.

Ҳилола ИСМАТОВА,
ЎзМТДП фаоли
Ўралои ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири



Кўргазма

“Сенинг севгинг...”

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвон саройида Кексаларни эъозлаш йилига бағишланган бадий кўргазма шундай номланди.

Кўргазма очилишида таниқли rassomлар, санъатшунослар, тасвирий санъат ихлосмандлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Унда сўз олган Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов мамлакатимизда ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароит ва имконият яратишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Кўргазмага иқтидорли мусаввир Баҳодир Зокиров ижодига мансуб етмишга яқин ранг-тасвир асарлари қўйилган. Унда қадим ҳаёт фалсафаси, табиат манзаралари, инсон руҳияти ва қиёфасининг турли қирралари ёрқин акс этган.

Баҳодир Зокиров санъаткорлар оиласида таваллуд топган. Ота-онаси — Ўзбекистон халқ артистлари Ботир Зокиров ва Эркил Муҳаммадбоевдан санъат сирларини ўрганди. У кўп қиррالي ижодкор — бастакор, шоир, режиссёр ва моҳир rassom бўлиб етишди. Олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг кино соҳасида фаолият кўрсатди. Ўттиздан ортиқ фильм учун қўшиқ ва мусиқа яратди. Қатор фильмларга режиссёрлик қилди.

Рассом асарларида жонажон Ватанимиз, халқимиз, нуруний отахон ва онахонларимиз, шу табарруқ заминга бўлган чексиз меҳр-эҳтиромни туйсиз. Бу жиҳат айниқса, rassomнинг “Куз”, “Буви”, “Ворислик”, “Уста”, “Фалақнинг гардиши”, “Чойхона”, “Хордиқ”, “Орзу”, “Созанда” каби асарларида яққол акс этган.

Кўргазма 20 августга қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Қадрият

Ўзбекона дастурхон ва меҳмондўстлик юксак маданияти-мизнинг узвий қисмидир. Миллий таомларимиз истиқлол шарофати билан дунёга кенг ёйилмоқда: пазандалик анъаналарини ривожлантириш, асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляптир. Айниқса, Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг бу борадаги фаолияти эътиборга молик.

2008 йилда ташкил топган уюшма миллий пазандачилик санъатини тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётди. Ташкилот 2009 йили Халқаро бош ошпазлар кенгаши уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди.

Уюшма раиси Акбар Умаровнинг айтишича, асосий мақсад — миллий таомларимизни янада бойитиб, уни дунёга танитиш ва келажак авлодларга етказиш. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган “Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларининг касбий даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Уюшмада “устоз-шогирд” мактаби яратилган: халқаро уста пазандалар ёш шогирдларининг малакасини ошириб, пазандалик сир-асрорини ўргатиб келмоқда. Бу эса халқаро қўриқ-танловлардаги ютуқларда намоён бўляптир. Жумладан, ўзбек ошпазлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида анъанавий ўтказиб келинаётган “Евразия” ва “Еврофеска” халқаро қўриқ-танловларида олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди. 2014 йили Молдовада ўтказилган халқаро

Миллий таомларимиз — жаҳон ошхонасида

танловда кўплаб давлатларнинг халқаро тоифадаги мутахассислари ошпазларимизнинг маҳоратига юксак баҳо беришди.

Уюшма миллий пазандачилик соҳасини янада ривожлантиришга хорижий мутахассисларни ҳам жалб этмоқда. Пойтахтдан ташқари, вилоятларда мунтазам ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Мисол учун, яқинда Хоразмда “Миллий ва Европа ошхонаси” йўналишида маҳорат дарслари ўтказилди. Ошпазлик соҳаси бўйича германиялик эксперт Ганс Карл Маделунг ресторани соҳасида муваффақиятларга қандай эришиш ва бизнесга ёндашувдаги фарқлар хусусида сўз юритиб шундай деди: “Ёшларингиз замонавий таомларни тайёрлаш билан бирга, миллий таомларни тайёрлаш ҳам катта эътибор қаратар экан. Ишонаманки, уларнинг бундай саъй-ҳаракатлари билан ўзбек ошхонаси бойиб бораверади”. Дарҳақиқат, ёшларимизнинг қизиқувчанлиги ва изланишлари билан бугун кабоб, палов, турли дўлма ва бир қатор миллий таомларимизнинг янги турлари пайдо бўлмоқда.

Маълумки, қадимдан дастурхонимиз асосан гўшт ва сут маҳсулотлари билан безатилган. Жуда кўп таомларимизга зиғир, кунжут, мол ва қўй ёғи ишлатилади. Ҳўш, бунга дунё халқлари қандай муносабатда бўлмоқда?

— Аввало айтиш керакки, шарқона таомлар инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди уюшма раиси Акбар Умаров. — Айниқса, баҳор фасли кириши, “илик узилди” пайтида кўк сомса, қовурилган кўк чучвара, гўшти чалпақ, ҳалим, сумалак ва шунга

ўхшаш кўплаб таомларимиз инсонга куч-қувват бағишлайди. Доимий истеъмол қилинадиган миллий таомларимиз таркибида инсон имун тизимини мустаҳкамлайдиган дармондорилар ҳам етарли миқдорда бор. Вақтида тўғри овқатланилса, миллий таомларимиз мижозга кўра истеъмол қилинса, деярли барча касалликларни енгиш мумкин.

Миллий таомларимизнинг шифобахшлигини ўз даврида Абу Али ибн Сино ҳам баён этган. Ошпазлик маҳоратини кўйиб қўйверинг. Қовоқли таомларимиз ошқозон, ичак касалликларига қони фойда эканини бугун жаҳон мутахассислари эътироф этмоқда. Ҳўплама, мастава, ёвғонхўрда, шўрва тумовда куч бағишлайди. Шўрва, суяқ ош овқат ҳам бўлишини яхшилаиди, бошқа овқатлар билан сингишиб кетати. Шу сабаб ҳам бугун миллий таомларимиз дунё ошхоналаридан муносиб ўрин эгалламоқда.

Ҳар бир халқнинг ўз миллий таоми бор. Улар қаерда бўлмасин, ана шу таомни севиб истеъмол қилишди, бошқаларга ҳам улашади. Баъзи халқлар маданияти, турмуш тарзини, ҳатто, уларнинг таомлари орқали ҳам билиш мумкин. Бу борада миллий таомларимизни ҳар қанча эътироф этсак арзийди. Шу боис ҳам Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ошпазлар уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик миллий пазандачилик соҳасини ривожлантириш ва уни дунёга кенг ёйишда муҳим аҳамиятга эга.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири

ТИББИЙ МАСЛАХАТ

Анжир — беназир мева

Анжир — табиатнинг энг фойдали неъматларидан. Унинг таркибидаги моддалар ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаб, ундан захарни ҳайдаб чиқаради, буйрак ва жигар фаолиятини яхшилаиди. Томоқ огриғи ва йўталда анжирнинг устига иссиқ сут қуйиб, бир муддат димлаб, овқатдан олдин ичирилади.

Анжир иситмани тушириш хусусиятига эга. Бунинг учун иситмалаётган беморга қуритилган анжир мевасидан дамлама тайёрлаб ичирилади. Анжир қондаги холестерин миқдорини камайтиради.

Шу сабаб у юрак қонтомир хасталиклари ва семиришга қарши беназир воситадир. Анжир таркибида катта миқдорда темир моддаси бор. Шу боис камқонликда фойда беради. Ундан тайёрланган шарбат ичми юмшатади. Бунинг учун анжир мураббоси иссиқ чойга солиб ичилади. Сутда қайнатилган анжир меваси йирингли яраларга босилса, улар тезроқ етилиб, ёрилади. Агар қўл ёки оёқларингизда қадокларингиз бўлса, тунда улар устига анжир мевасини кешиб босланг. Тез орада қадоклар кўчиб тушади.

Анжирдан тайёрланган ниқоб соч тўкилишида жуда фойдали. Бунинг учун икки анжир қоқи бир стакан сут билан қайнатилади. Сут буғланиб кетиб, бўтқасимон аралашма ҳосил бўлганида оловдан олинади. Совитилиб ҳар қуни соч терисига суртилади. Устидан целлофан қалпоқча кийиб, сочқ билан ўраб қўйилади. Бир ярим соатдан сўнг ювиб ташланади. Анжир уруғлари билан тишларни ҳам тозалаш мумкин. Бунинг учун анжир уруғига глицирин қўйилади. Агар ҳар қуни ана шундай табиий тиш пастасидан фойдалансангиз тишларингиз оқариб, мустаҳкамланади.

Анжирнинг ноҳўя таъсири шу пайтга қадар сезилмаган. Фақат у қандли диабет, бўгин ва тўқималар ҳамда ўткир ошқозон-ичак касалликлари билан огриганларга тавсия этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

→ Рио-де-Жанейро португал тилида “январ дарёси” деган маънони англатади.

→ Дубайдаги “Burj al Arab” меҳмонхонасидаги теннис корти 200 метр баландликда жойлашган бўлиб, умумий ўлчами 415 метр квадратни ташкил этади.

ТУРФА ОЛАМ

Экокапсула — келажак уйи


Словакиянинг “Nice Architects” компанияси бир йилгача электр қувватсиз яшаш мумкин бўлган экокапсула-уйларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



Капсула қуёш электр қуввати панеллари ва шамол электр йиғувчи ускуналари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, унда, ёмғир сувини йиғувчи мослама ҳам бор. Ичкарида икки кишилик ўрин, мўъжизагина ошхона, ҳожатхона ва душ мавжуд. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, экокапсулалардан табиат қўйнида олиб бориладиган мустақил тадқиқотлар пайтида, саёҳат ва фавқулодда ҳолатларда фойдаланиш мумкин. У Венада ўтган кўргазмада намоиш қилинди. Экокапсуланинг нархи ҳозирча эълон қилинмапти.

Қаҳва дамловчи будильник

Буюк британиялик дизайнер Жош Ренуф кўп йиллик орзусига етди: қаҳва қайнатадиган будильник ихтиро қилиб, уни “Barisieur” деб номлади.



Мақсуд мослама бир вақтнинг ўзида ҳам будильник, ҳам қаҳва қайнатгич вазифасини ўтайди. Сиздан талаб этиладигани — тунда уни зарур ингредиентлар билан таъминлаш. Эрталаб қайноқ қаҳванинг лаззатбахш ифориини туйиб, кўз очасиз. Будильник жириглаши билан бир вақтнинг ўзида ҳам қаҳва қайнатади, ҳам ўрнингиздан туришга мажбур этади.

Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади.